

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 803.51-1/-8

ББК: 81.2-5 (5Кнт)

Т-99

**Тўқимбетова Боғдагул Узакбергеновна
Хитой тилининг шимолий шевалари
(Путунхуа мисоли)**

5А 5120102 - Лингвистика мутахассислиги

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: сиёсий.фанлар.номзоди., доцент. Ш.И.Шозамонов

Илмий такризчи: сиёсий.фанлар.номзоди., доцент И.Н.Бекмуратов

Тошкент – 2015

Мундарижа

Диссертация ишининг умумий тавсифи.....	1-9
Биринчи боб: Шеваларнинг ўрганилиши ҳақидаги назарий карашлар	10
1.1. Қадимги Хитой шевалари ҳақида ёзма манбалар.....	10
1.2. Хитой диалектларининг вужудга келиши тарихи.....	14
1 - боб бўйича хулоса.....	22
Иккинчи боб: Хитойда ягона умуммиллий тилини яратишнинг тарихий босқичлари.....	26
2.1. Умуммиллий тилини яратишдаги амалий ҳаракатлар.....	26
2.2. Путунгхуанинг миллий тил сифатида шаклланиш босқичлари.....	34
2-боб бўйича хулоса.....	51
Учинчи боб: ХХРда Путунгхуанинг миллий автоном районларда жорийланиши ва унинг сабаблари	56
3.1. Путунгхуани жорий этилишининг омиллари.....	56
3.2. ХХРда кам сонли миллатларни билингвистик таълимда ўқитишнинг мақсад ва вазифлари.....	59
3- боб бўйича хулоса.....	66
Хулоса.....	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73-79

Диссертация ишининг умумий тавсифи

- **Магистрлик диссертацияси мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги;** Дунёнинг глобаллашув даврига кадам қўйиши кўп миллатли давлатларда тил билан боғлиқ тарихий масалаларни кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

«Тилларнинг ижтимоий вазифасига қараб табақаланишида бугун дунё миқёсида рўй бераётган глобаллашув жараёнлари хал қилувчи ўрин тутмоқда. Бугун дунёнинг фан–техника ва технологиянинг узлуксиз мувоффақиятлари натижасида бир бутун курраи заминга айланиши, XX аср давомида бозор муносабатларининг таъсири кенгроқ жорий этилаётганлиги натижасида халқлар, мамлакатлар, минтақалар ва қитъалар орасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий алоқалар мисли кўрилмаган даражада жадаллашди ва изчиллик касб этмоқда. Бу жараёнларнинг табиий ҳосиласи сифатида халқлар ва мамлакатлар ўртасида алоқалар ягона умумтилга бўлган эҳтиёжни юзага келтирди»¹. Ана шу маънода айрим халқлар тил жараёнлари билан боғлиқ ижтимоий маданий ва маънавий қадриятларида кечган тарихий вазиятларни бугунги кун нуқтаи назардан тадқиқ этиш масаласи янгиланиб бораётган давримизнинг муҳим жабҳаларидан бўлиб қолмоқда. «Хитой ва туркий тиллар ўртасидаги алоқа ҳам жуда қадимий бўлиб, ҳали қадимги кўчманчи туркий қабила ва элатлар ғарбга томон силжимасдан олдин, мўғул ва туркий қабилалар хитойликлар билан бевосита алоқада бўлган пайтларда мавжуд бўлган».² Маълумки, фан техниканинг ривожланиши ёки айрим минтақларда иқтисодий тараққиётнинг ночорлиги ривожланган давлатларга оммавий миграциялар, ёки XX асрнинг охирларигача бутун бир минтақаларнинг иқтисодий–сиёсий қарам давалатлар бўлиб келганлиги ва ҳ.к.з.лар сабаб деярли давлатлар моноэтник хусусиятларини йўқотиб, полиэтник давлатларга

¹ Мансурова Г. Тил инсонни яратади // тафаккур 1/ 2003. б. 120.

² Абдурасулов Ё. Туркий тилларнинг қиёсий–тарихий грамматикаси (ўқув услубий қўлланма) Тош. “Фан”нашриёти 2009. б-71.

айланди. Хитойнинг шевалар билан боғлиқ тарихий жараёнларга эътиборни қаратар эканмиз, “Хитойнинг полиэтник масаласи”да бутунлай бошқа манзараларига дуч келамиз.

Хитойдан ташқарида Вьетнам, Лаос, Кампучия, бирма, Тайланд, Индонезия, Малайзия, Сингапур каби давлатларда этник келиб чиқиши хитойлар бўлганлар яшаб келмоқда. 20 млн атрофда. Аммо, у этник хитойлар ўзларини “Чжунго жэн” эмас “Хуажэн” деб аташади. Хитойнинг жанубий шеваси “Гуандунгхуа”да гаплашади. Хитой тилида мактабларига эга. Бу эса Шарқий Жанубий Осиё давлатларида ҳам хитой тилини ривожлантириш ва тил сифатида ўзини сақлаб қолишдаги ҳал қилувчи омил. Тил тараққиёти билан боғлиқ бундай социал омиллар ҳам кўп тилли мамлакатларда тил сиёсати билан боғлиқ хусусиятларини белгилаётган жиҳатларидани ҳисобланади. Сингапурда давлат тилларидан бири хитой тили ҳисобланади. Хитойнинг этник ҳолати билан боғлиқ бугунги ўзига хос бўлган яна бир жиҳат, ХХР ташкил топиб мамлакатдан чиқиб кетганлар асосан “Путунгхуа”да сўзлашувчи ёки “путунгхуа”ни тил сифатида ташувчилардан иборат эканлигидир.

Хитой тилининг ислохотлар даври дунёнинг глобаллашув босқичидаги ўрнига баҳо берадиган бўлсак, дунё бўйича 40 – 80 млн.гача “хуачяо”лар борлиги қайд этилади. Хитой (Путунгхуа) тилининг бугунги дунё тараққиёт тенденцияси масаласига келадиган бўлсак, ислохотлар даври тил сиёсати билан боғлиқ эътиборли ютуқларни қўлга киритмоқда. Дунёнинг 100дан ортиқ мамлакатларида Конфуций номидаги институтларни очмоқда. “7-8 декабрда Сямэнда бўлиб ўтган Конфуций институтларининг 9 чи Конференцияси маълумотлари бўйича Хитой ўтган ўн йил мобайнида дунёнинг 126 мамлакатлари ва минтақаларида 475та конфуций ва 851 конфуций синфини бунёд этиб, уларда таълим олаётган талабаларнинг умумий миқдори 3,45млн ташкил қилди”³.

³ Китай (ежемесячный журнал) №1(111) январь 2015. С. 12.

Агарда ХХРнинг тил омили сабаб кечаётган жараёнларни кузатар эканмиз, тилнинг ХХРнинг халқаро майдондаги “юмшоқ куч”, “хитойнинг тинч юксалиш йўли” сиёсатини ҳал қилувчи механизмларидан бири сифатида намаён бўлаётганлигини кўрамиз.

Ана шу нуқтаи назардан хитой (Путунгхуа) тилини нафақат тил сифатида тадқиқ қилиш, балки дунё майдонида кечаётган сиёсий жараёнларнинг таркибий қисми сифатида ўрганиш, унинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш бугунги давримизнинг долзарб вазифасига айланди.

Хитой тили тарихан ўзоқ ўтмишга эга. Аммо давр нуқтаи назардан ёш тиллар сирасига киради. ХХР ҳукумати 1984 йилда мамлакат тил тақдири учун яна бир катта ишга қўл урди. “Хитой маъориф вазирлиги қошида чет мамлакатларда хитой тилини ташвиқот қилиш “Ханьбан ташкилотини, 1995 йилдан бошлаб махсус давлат хизматиغا кирувчилар учун имтиҳонлар топшириш тизими” ни жорий этди.

ХХР марказий ҳукумати XX аср охири 90 йиллар ва асримизнинг дастлабки йилларида келиб *путунгхуа*ни расманасига давлат тили сифатида эътироф эта бошлади. 2001 йилдан иқтисодиётни ривожлантириш орқали жойларда путунгхуани кенг ёйиш тил сиёсати амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ “Буюк ғарбни ўзлаштириш дастури” ишлаб чиқилган. “2007 йилдан Хитойда қадимги 雅言 (Yayan) классик яратилган каноник матнларни декламатция қилиш; Хитой анъаналарига муносиб равишда 2001 йил 1 январь - 中华人民共和国国家通用语言文字法 (Zhonghua ren mingongheguo guo jia tongyongyuwenzifa) –ХХР Давлат тили ва ёзуви ҳақидаги қонун; 2004 йили хитой тилининг, давлат, жамият ва оммавий матбуот манбаларида тараққиётини доимий кузатиш мақсадида хитой тили ресурсларини мониторинг этувчи - 国家语言资源监测研究中心

(Guojiauyuan ziyuan jiance uyuanjiuzhongxin) – Давлат тили ресурсларини текшириш ва таҳлил қилиш бўйича марказ ташкил этилди⁴.

Хитой тилига хос бундай хусусиятни ХХРнинг расмий тили—普通话 Путунгхуа (умуммиллий, оммабоп тил) билан боғлаш мумкин. ХХРнинг барча ҳудудларида ҳамма тушунадиган умуммиллий *Путунгхуани* яратишда жиддий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Мамлакат ҳудудида тилларни унификациялаштириш (бирхиллаштириш) режаси бунинг амалдаги исботи бўлиши мумкин. Марказий ҳукумат томонидан тилга оид чиқарилаётган қонун ва қарорлардан путунгхуани тил сифатида ривожлантиришга бирламчи аҳамият қаратилмоқда, деган асосли хулосаларга келинади.

Муаммонинг долзарблиги. Хитой (Путунгхуа) тили Хитой – тибет тиллар оиласига киради. Ҳозирги кунда шева тили нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, хитой аҳолисининг 70% шимолий шевада (путнхуа), 30% (гуандунгхуа) гаплашади.

Хитой катта мамлакат сифатида ҳудудий томондан 7-10гача йирик лаҳжаларга бўлиниб кетади. Мазкур жараён ҳам шева масаласи билан боғлиқ хитой тилини стандартлаштиришни долзарб қилиб қўймоқда. Ҳозиргача тоғли районлар ва қишлоқларда яшовчи аҳолининг 30% “путунгхуа”ни билмайди⁵.

Мамлакатда 55 та кам сонли миллат тили мавжуд. Шундан бешта йирик тилларда гаплашувчи миллий автоном районлар⁶ жорий этилган. Ўз ўрнида миллий автоном районлар ҳам тил шеваларига бўлиниб кетади. 1984 йили “миллий автоном районлар ва тил мақоми” ҳақидаги кам сонли миллатлар тилини ҳал қилувчи асосий дастур қабул қилинган. Миллий автоном районлар ва мамлакатнинг турли миллатлар аралаш яшайдиган

⁴ Hashimova S. Chet tilidagi matnni o'qish va uni talqin qilish masalari. Tosh. 2010. 6. 3-10.

⁵ “Ҳаётдан” (ойлик журнал) // Китай №11.2011. С. 8.

⁶ Тибет миллий автоном райони, Шинжян миллий автоном райони, Нинся хуэй миллий атоном райони, Гуанси-чжуан миллий автоном райони, Ички Монголия миллий автоном райони.

марказий жойларда билингвистик таълим асосида мактабларда таълим тарбияни йўлга қўйиш ва унинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилди. Мамлакатда мавжуд кам сонли миллатларнинг тил вазияти ҳам бир биридан кескин фарқ қилади. Биргина Мяо тили сўзлашувчи аҳоли 3-4 хил шевада гаплашади.⁷ Дай миллати ҳам шундай хусусиятига эга.

ХХРда Россиялик тадқиқотчи В.Г. Гельбрас Хитойнинг тил шевалари ҳақида фикр билдирар экан”мамлакатнинг катта қисмида эгаллаган ҳудудда турли этносларнинг миллий тиллари жамиятнинг кундалик турмуш ҳаётида ҳукмронлик қилади”⁸, - деб қайд этади.

ХХРнинг йирик тилшунос тадқиқотчиларидан бўлган Чжоу Югуаннинг таъкидлашича “путунгхуа номига ўзгартиришнинг маъноси шундан иборатки, ушбу термин билан ХХРдаги барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги англашилади, миллий камчилик бўлганларга эса путунгхуани мажбуран қабул қилидиришни инкор этади. 1982 йилда қабул қилинган ХХР конституцияси давлат бутун мамлакат бўйича ишлатиладиган путунгхуани тарғиб қилади, деб қатъий белгилаб қўйди”⁹. Демак, юқоридаги фикрларга асосланадиган бўлсак, мазкур мавзу устида тадқиқотлар олиб борилиши ҳозир ҳам долзарблигини сақлаб қолмоқда.

- **Тадқиқот объекти ва предмети;** МД объекти хитой тили шимолий шевалари ҳисобланади. Тадқиқот предмети путунгхуанинг ўзига хос хусусиятлари.

-**Тадқиқот мақсади ва вазифалари;** мазкур МД мақсади Хитой тили шимолий шевалари асосидаги путунгхуанинг юзага келиш сабаблари, омилларини тадқиқ этишдан иборат.

⁷ Шазаманов Ш.И. Ёкубов Ж. ХХРда кам сонли миллатларнинг тиллари классификацияси ва уларнинг айрим хусусиятлари ҳақида / Хитойшуносликнинг долзарб масалалари – ТошДШИ. 2013.

⁸ Гельбрас В.Г. Экономические реформы в России Китае // Азия и Африка сегодня. №3. 1987. С.4.

⁹ Чжоу Гуан. Модернизация китайского языка и письменность//Новое в лингвистике. Вып. XXII. Языкознание в Китае М., 1989. С. 377—378.

- Шимолий шевалар ва улар асосида яратилган путунгхуанинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш.

- Хитой шевларини ўрганишга бағишланган илмий манбаларни ўрганиш.

- Путунгхуанинг юзага келиши сабаблари ва омилларини белгилаш;

- Путунгхуанинг яратилиши жараёнида юзага келган қийинчилик ва мураккабликларни тавсифлаш.

- **Тадқиқотнинг илмий янгилиги;** Путунгхуанинг вужудга келишдаги тарихий омиллар ва бунда шимолий шеваларнинг тутган ўрни; жамият ҳаётида путунгхуанинг жорий этилишидаги умумий ҳолатлар, путунгхуанинг фонетик – лексик хусусиятлари аниқланди.

- **Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;** Хитойдаги шимолий шеваларнинг, хусусан, путунгхуанинг хусусиятлари ва путунгхуанинг расмий тил сифатида шаклланишдаги шарт шароитлар, унинг жорийланиш билан боғлиқ истиқболда тил сиёсатида юзага келиши мумкин бўлган масалаларини тадқиқи ишнинг асоси ва фаразларини белгилайди.

-**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи;** Хитой диалектларининг тарихан ўрганилганлик масаласига эътибор қаратар эканмиз, хитой диалектларини ўрганиш бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борилганлиги кузатилади. Совет– рус тадқиқотчиларидан Г.П. Сердюченко, А.А. Москалёв¹⁰, С.Е. Яхонтов, Е.Б. Астрахан, О.И. Завъялова, М. В. Софронов¹¹, Р.Турсунов, Н.Коротков, Б. Исаенко, И. Советов–Чэнь¹²ларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Хитойнинг ўзида Юань Цзяхуа¹³, Чжоу Эньлай¹⁴ Чжан Бохуэй¹⁵, Ло Чанпэй¹⁶нинг хитой

¹⁰ Москалев А.А. Политика КНР в национально языковом вопросе (1949-1978) –М.: 1981.213с.

¹¹ Астрахан Е.Б. Диалекты и национальный язык в Китае. М.: 1985.365с.

¹² Коротков Н. Исаенко, И. Советов–Чэнь /Учебник Китайского языка. Изд-во. МИВ.1951. 39.с.

¹³ Юань Цзяхуа, 1965Юань–Цзяхуа. Диалекты китайского языка. М., 1965.

¹⁴ Чжоу Эньлай, 1958–Чжоу Эньлай. Задачи реформы письменности в настоящее время. – О реформе письменности (сборник материалов). Пекин, 1958.75с.

диалектларини тадқиқига бағишланган монографик пландаги илмий изланишларини қайд этиш мумкин.

Манбаларни ўрганиш давомида Ўзбекистонда ҳам баклавр даражасида айрим ҳимоялар амалга оширилганлиги кузатилади: бу борада ўзбекистонлик синологлар т.ф.д. А. Ходжаев, т.ф.н. М.Х. Махмутходжаев, с.ф.н. Ш.И. Шазаманов, И.Н. Бекмуратовнинг хитой социоллингвистикаси ва диалектологияси масаласини тадқиқига бағишланган ўқув қўлланмалари яратилди. Ш.И. Шазамановнинг О. Очилов ва Ж. Ёқубовлар билан ҳаммуаллифликдаги Хитойда “Кецзя” шевасини ўрганишга бағишланган ва Хитойнинг кам сонли миллатларининг таснифига доир илмий мақолалари чоп этилди¹⁷.

Ф.ф.н. А.Каримов, Ҳ.Мухамеджанов, М.Туратовалар томонидан ҳозирги замон хитой тилида транскрипция бериш усуллари, путунгханинг бугунги ҳолати ва хитой иероглифларига транскрипция беришнинг анъанавий усуллари ўрганишга бағишлаган илмий мақолалар чоп этилди¹⁸. Юқоридаги тадқиқотлардан Ўзбекистонда ҳам етарли даражада изланишлар олиб борилаётганлиги ҳақидаги хулосаларга келиш мумкин бўлиб, улар ишларини тизимлаштириш вақти етди.

Тадқиқотларнинг аксариятида, айниқса, ғарб олимларининг илмий изланишларида ХХРнинг жойларда ўтказиб келаётган тил сиёсатини очиб

¹⁵ Чжань Бохуэй, 1981в – Чжань Бохуэй. Ханьюй фанъянь яньцзю гайкуан хэ ю гуань ды цзигэ вэньти (Исследование диалектов китайского языка и несколько вопросов в связи с этим). – «Юйвэнь цзачжи». 1981.№8.

¹⁶ Ло Чанпэй, 1956 – Ло Чанпэй, Люй Шусян. Сяньдай ханьюй гуйфань вэньти (Вопросы нормализации современного китайского языка) – Сяньдай ханьюй гуйфань вэньти хуэйи вэньцзянь хуэйбянь(Документы научной конференции по проблемам нормализации современного китайского языка). Пекин,195с.

¹⁷ Шазаманов Ш.И. Очилов О. Хитойча кецзя шевасининг айрим масалалари// Шарқшунослик.-Тошкент, 2011. – №1. – Б. 37-40.

¹⁸ Каримов А.А. Ўзбек тилида хитойча сўзларни транскрипция қилиш масаласига доир. ТошДШИ.2007. 8-11б; Ҳ. Мухамеджанов. 外国人学普通话语音出现的某些篇误及解决方法 .ТошДШИ.2007.35-38б; М. Туратова. Хитой иероглифларига транскрипция беришнинг анъанавий усуллари. ТошДШИ 2007. 61-69б. Қаранг: “Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари:филология, сиёсат, иқтисодиёт ва фалсафа” мавзuidaги илмий – амалий конференция материаллари (2007 йил 5сентябр)ТошДШИ.

беришда муаммоларга холислик билан ёндашув ижобий мазмун касб этади. Шунингдек, Хитойнинг ўзида ҳам шеваларни тадқиқига бағишланган турли мазмундаги илмий адабиётлар чоп этилган¹⁹. Бундай изланишлар хитой диалектларининг хусусиятларини англаш ва маълум маълумотларга эга бўлиш имкониятларини яратсада, аммо Хитойнинг ижтимоий тил ҳаётида путунгхуанинг жамиятдаги ўрни ва функцияларини етарли даражада ўрганиш имкониятларини бермайди.

-Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи; Ишда анализ, синтез, тавсифёлаш усулларидан фойдаланилди.

- Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти; Мазкур иш хитой тилини ўрганувчилар учун курс ишлари, маъруза матнлари тайёрлашда назарий ва амалий аҳамият касб этиши мумкин.

Магистрлик тадқиқот ишининг тузилиши. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012- йил 24- июлдаги RF-4456-сон “Олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 30-сон, 346-модда) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007–йил 10–сентябрдаги 190-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38 сон, 384 модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Ўрта махсус таълим вазирининг 2015–йил 2–март 36–сон буйруғи асосида магистратура тўғрисидаги Низомда белгиланган диссертация таркибий қисмларининг барчаси қамраб олинган. Яъни титул варақ, икки тилдаги қисқача аннотация, мундарижа, кириш, 3 бобдан иборат асосий қисм, хулоса фойдаланилган адабиётлардан ташкил топган.

¹⁹ Хитой социолингвистикаси ва унинг айрим вазифаларига доир// Шарқшунослик . – Тошкент, 2012. – №1. –Б. 20-24.

Биринчи боб “Шеваларнинг ўрганилиши ҳақидаги назарий қарашлар” деб номланади. Мазкур боб ҳам икки параграф ва биринчи боб бўйича хулоса келтирилади. Биринчи параграфда асосан эътибор шеваларни умумий таснифлаш, шевалар ҳақидаги тушунчаларни кўриб чиқиш масаласига аҳамият қаратилади. Мазкур бобнинг иккинчи параграфида асосан шевалар ҳақидаги назарий билимларни ўрганишга эътибор қаратилади. Хитойда шеваларнинг юзага келиши ва шаклланиш босқичлари кўриб чиқилади.

Диссертациянинг иккинчи боби: *“Хитойда шеваларнинг шаклланиш тарихи”* деб номланиб, унда асосан “Хитой шева тиллари хусусиятлари” ва Шимолий шева сифатида путунгхуанинг оммалашуви масалалари ўрганилади. Учинчи параграфда иккинчи боб бўйича чиқарилган хулосалар ўз ифодасини топади.

Учинчи боб: *“ХХРда билингвистик таълим ва унинг хусусиятлари”* ни ўрганишга аҳамият қаратилади. Бунда тадқиқотнинг қуйдаги жиҳатларига эътибор қаратилади. Яъни, жойларда путунгхуанинг билингвистик таълимдаги ўрни ва аҳамияти шунингдек, путунгхуанинг давлат тили сифатида ривожланиш тенденцияси ва истиқболларини тадқиқига жиддий аҳамият қаратилади. Учинчи параграф юқоридаги боблар каби боб бўйича чиқарилган хулосалар ўрин олади.

Биринчи боб: Хитой шевалари ҳақида илмий қарашлар

1.1. Қадимги Хитой шевалари ҳақида ёзма манбалар

Қадимги Хитой шевларини ўрганишга бағишланган шева луғатлари мавжудлиги манбалардан яхши маъум. Хитойда шевалар масаласида луғат тузиш анъанаси мамлакатда мавжуд бўлган шевалар ва унинг билан боғлиқ муносабатларни аниқлаб олишда имкониятларини туғдиради. Дин Синваннинг ҳисобларига қараганда: Фан янь луғатида шарқда шарқий Цидан ғарбда Цингача, шимолий–шарқда Чаосяндан жанубий–ғарбий Ичжоугача, шимолда Яндан жанубда Сяншуй дарёсигача, 277 ҳудудга хос иборалар тўпланган.

Луғатга киритилган сўзларни уч тоифага ажратиш мумкин, яъни бу ўша даврнинг жонли қадимги Хитой тилидаги лексиканинг уч қатлами: биринчи тоифага алоҳида ҳудудий шевага хос туб лексика таъллуқли; иккинчи тоифага–кенг ҳудудда тарқалган лексика (ушбу тоифанинг мавжудлиги, туб шевларни ҳудудий гуруҳларга ажратишга имкон яратади); учинчи тоифага –кенг қўлланилувчи лексика киради.

Ушбу меъёрнинг юзага келиш тенденцияси, Ян Сюн томонидан, “авваллари турли подшоликлар тилларига таъллуқли бўлиб, ўзаро мулоқотда фойдланиш мумкин бўлмаган, ҳозирда кенг омма томонидан қўлланилувчи сўзлар” ҳақида фикр юритилганда, ёрқин ифодасини топган. Сўзлашув тилидаги умумий қабул қилинган меъёрнинг

ривожланиши, Хань даврида пойтахтга хос Чанань шеваси асосида содир бўлди. “Фан янь” луғатида, Цин–Цзинга таъллуқли пойтахт шевалари, бошқаларидан кўра кўпроқ эслатилиб турилиши тасодиф эмас ва бундан ташқари аксарият ҳолларда, муаллиф томонидан “оммага тушинарли” лексикада бир хил деб тушинилади.

1.1.1. Шо вэнь луғати

“*Шо вэнь*” луғати, кечки Хань сулоласининг йирик олими Сюй Шэнь (58-147 йиллар) томонидан тузилгандир. Унинг таржимаи ҳоли тўғрисидаги маълумотларимиз “Хоу ханьшу” (“кечки Хань”) да берилган хабарлар(“Олимлар таржимаи ҳоли” 199 боб) ва луғат учун муаллиф хотимаси билан чегараланган.

Сюй Шэнь *Цзя Куй* классик қонунлари шарҳловчисининг шогирди. “Шо вэнь” луғатининг тузилиши унинг мактаб йўналиши билан чамбарчас боғлиқ. “Ёзув деб таъкидлайди Сюй Шэнь, бу классик қонунлар ва маданиятларнинг асосидир, бу давлатни бошқаришнинг дастлабки нуқтаси, бу шундай омилки, шу туфайли, аждодларимиз келажак авлод узоқ ўтмиш тўғрисида маълумотларга эга бўлмоқда. Суй Шэнь тузган луғатни *палеографик* изоҳли луғат дейиш мумкин. Унда шевашуносликка оид кўплаб материаллар тўпланган бўлиб, бизнинг бугунги давримиз учун қимматли манба ҳисобланади”. Сюй Шэнь шевага оид сўзларни нафақат лексик маъносини, балки уларнинг шевага хос эквивалантларини ҳам кўрсатиб ўтади. Суй Шэнь тўплаган материаллар “Фан янь” луғати билан қиёсланганда шевлардаги ўзаро боғланишларнинг сифатли силжиши ўзгача аҳамият касб этади. “Шо вэнь” луғатида акс эттирилган шеваларнинг асосий гуруҳлари қуйдагилардир. 1. Чу (26 эслатмалар); 2. Цинь- Цзинь (23); 3. Ци-Лу (19); 4. Янцзи дарёсидан жанубий ҳудуд ва Чудан жанубий ҳудуд (15). Умуман луғатда 57 шевага хос ҳудудлар тилга олинган.

1.1.2. Ши мин луғати

Ши мин луғатининг муаллифи *Лю Си* эканлиги қайд этилади. Аммо, ҳеч бир сулола тарихида шундай фамилияли муаллиф номи тилга олинмайди.

Фақат унинг ҳақида тўлиқ бўлмаган айрим манбаларга асосланиб, Лю Си, шарқий Хань ҳукмронлик даврининг иккинчи ярмида яшаб ўтганлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўламиз. Шундан келиб чиқиб мантиқ юритадиган бўлсак, Лю Сининг луғати II аср охирларида ёзилганлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин.

1.1.3. Қадимги Хитой шевларини аниқлашда Шо вэнь ва ши мин луғатларининг аҳамияти.

Шо вэнь луғати каби **“Шимин”** луғати ҳам, махсус шевашуносликка оид луғат ҳисобланмайди. Балки этимология ҳақидаги луғат. Лю Си луғатни тузар экан, ўз асарида қуйдагича фикрни келтириб ўтади: “Ҳар бир нарсанинг номланиши, унинг моҳияти нуктаи назаридан, маълум маъно англатувчи гуруҳга таъллуқли бўлиши мумкин. Халқ кундалик ҳаётида, бу нарсаларни ўз номи билан атайти, аммо нима учун нарсаларнинг бундай номланишини билмайди. Шунинг учун мен, само ва ер кўринишларининг, кун ва тун, йил фасллари, давлатлар, шаҳарлар, аравага оид, мотамга оид либослар ва бошқаларнинг, ҳатто, оддий халқ фойдаланиладиган буюмларнинг номларигача гуруҳларга тақсимладим ва уларнинг келиб чиқиши (этимологияси)ни кўрсатган ҳолда баён этиб асарни “Ши мин” (“Номларнинг изоҳи”)деб номладим.

Сюй Шэнь каби Лю Си ҳам ўз луғатига 12 ҳудудга таъллуқли шевага оид лексик сўзларни киритди: Ци Лу, “қўрғондан ғарбгача бўлган ҳудуд”, Янцзи дарёсининг юқори оқими ва бошқлар. “Ши мин” луғатида асосан шимолга оид шевачилик ўз аксини топган.

Лю Си тузган луғатнинг афзаллик томони, “фан янь” луғатидан икки юз йил, “шовэн”дан бир неча юз йил кейинроқ яратилган бўлиб, эрамизнинг II аср охирларида мавжуд Хитой тили шевалар ҳолатини акс эттирганлиги билан изоҳланади.

1.1.4. Эр я ва Фан янь луғатлари

“Эр я” ва **“Фан янь”** луғатларига ГоПу (276-324 йиллар) томонидан ёзилган изоҳларининг (глоссалар) қадри ғоятда ўзига хосдир. Го Пу

шарқий *Цзин* сулоласи ҳукмронлиги даврининг шиддатли воқеалари замондоши бўлган. Шуни айтиб ўтиш керакки, Го Пу томонидан “Эр я” ва “Фан янь” луғатларига берилган изоҳлар, унинг жанубга кўчиб ўтганидан сўнг ниҳоясига етган. Хэдунда туғилиб ўсган (ҳозирги Шаньси провинцияси) Го Пу, кўпчилик кўчиб келган–шимолликлардек, яшаётган янги тил муҳитига тез мослашди. Го Пунинг эътиборини тортган жиҳат - бу ўша давр шевларидаги ўзаро сўзларда мажуд лексик ўхшашликлар эди. Го Пу изоҳ (*гlossари*)лари, қадимги Хитой тили шевашунослигига оид лексиканинг тенги йўқ манбаидир. “Фан янь” луғатидаги лексик ибораларга изоҳ бериш билан бир қаторда Го Пу, шу тилнинг замонавий ўхшашликларини келтиради.

Го Пу изоҳларида ўз аксини топган эрамизнинг IV асридаги шевашуносликка оид лексикани лексикани уч тоифага бўлиш мумкин-туб шевалар, койне, кенг қўлланилувчи иборалар, койне эса, олти гуруҳга бўлинган: собиқ Чу подшолиги ҳудуди “қўрғондан ғарб томонда жойлашган ҳудуд”, Хуанхэ дарёсининг шимолий ҳудуди собиқ Ци подшолиги, Яньцзи дарёсининг ўрта оқими ва Янцзи дарёсининг қуйи оқими. Унинг маълумотларига асосланадиган бўлсак, Сўнгги ҳудудга (Янцзи дарёсининг қуйи оқими) хос шевачилик айниқса кўпдир. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки айти шу ҳудудда “*У тили*” кенг тарқалган бўлиб, кейинчалик у аста –секинлик билан ўша давр сўзлашув тилининг асосий кенг қўлланилувчи меъёрга айланди.

Го Пу изоҳларида Цзин шевачилигининг кўплиги туфайли “Шин мин” луғати тузилгандан сўнг, икки юз йил мобайнида, туб шевларнинг ўзаро кесишмаларида бўлиб ўтган асосий ўзгаришлар тўғрисида маълумотларга эга бўламиз. *Биринчидан*, шеваларнинг географик жойлашуви аниқ таснифини топди; *Иккинчидан*, Хань даври шевасига хос маълум қатлами, цзин даврида умумий қабул қилинган тил меъёрига айланди.

Ўша давр адабиёт, таълим, имтиҳон тизимининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб VI асрдаёқ Хитойда бутун мамлакат учун “иероглифларни тўғри

ўқиш” ислоҳоти бошланди. VII асрнинг бошида фаньце методида ёзилган тўғри ўқиш қоидалари мавжуд Цеюнь луғати нашр қилинди.

Грамматик меъёрни яратиш мураккаб масала эди. Хитой анъанавий фанлари ичида замонавий тилшунослик қонуниятларига асосланган грамматика фани мавжуд эмас эди. Хитой тилининг биринчи грамматикаси 1898 йили пайдо бўлди. Унинг муаллифи машҳур сиёсатчи ва жамият арбоби- Ма Цзяньчжун эди. Унинг баён қилиш объекти VII асргача бўлган қадим хитой тили намуналари эди. Ма Цзяньчжун томонидан таклиф қилинган грамматик тизим кейинчалик миллий тил грамматикасини тавсифлашда ҳам қабул қилинди.

Хитойда мўғуллар томонидан Юань империясига асос солингандан кейин, 1333 йили Чжоу Дэцин томонидан “Чжунъ Юань Инъюнь” луғатини нашр этди. У ерда хитой филологик анъанаси бўйича биринчи марта пекин диалектининг талаффузи тушунтирилган эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қадимги Хитой шевалари ҳақида маълумот берувчи луғатларга хотима ясаيدиган бўлсак, бу борада Хитой тарихи шевалари ҳақида маълумот берувчи учта йирик асар: 1) эр авв. V-II асрлар (“Фан янь”) 2) Эрамизнинг II асри (“Шовэнь” ва “Ши мин”); 3) эраимзнинг IV асри (Го Пу изоҳлари.) яратилганлигини гувоҳи бўлдик.

1.2. Хитой диалектларининг вужудга келиши тарихи

Хитойликларнинг биринчи яшаган худудлари “Марказий текислик ва Гуаньчжун”²⁰ ҳисобланади. Қадим ва ўрта асрлардаги демографик жараёнларнинг асосий хусусияти хитойлик аҳолининг мазкур минтақа ташқарисига доимий миграцияси (кўчиши) ҳисобланади. Бу миграцияларда учта йўналиш аниқ фарқланади: *“шимолий, ғарбий, жанубий”*²¹.

²⁰ Астрахан Е.Б. Диалекты и национальный язык в Китае. –М.: 1985. – 300с.

²¹ Кўрсатилган манба.

Хитой аҳолисининг шимолий йўналиш бўйича илк миграцияси. Бу асосан шимолий чегараларни мудофаа қилиш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган²².

Хань императори У Ди (э.р.авв. 140-87) ҳукмронлиги йилларида сунну²³лардан тортиб олинган ерларда²⁴ аҳолини жойлаштириш фаол олиб борилди. Эрамизнинг I асрида сунну сулоласи парчалангандан кейин Хитойнинг шимолий ерларидаги этник ва демографик ҳолат жиддий равишда ўзгарди. “Жанубий суннулар Хитойга кўчиб ўтганлар ва чегара округлари ҳамда шимолий Шэньсининг Бэйди округи ерларида, шунингдек, Шаньси провинциясининг Тайюань округида яшаганлар”²⁵.

Ғарбий йўналишдаги миграциянинг ҳолати. Шимолда олиб борилган миграцион жараёнлардан баъзи бир жиҳатлари билан фарқ қилар эди²⁶.

²² Хитой марказлашган Цинь сулоласига бирлашган эрамиздан аввалги 221 йилга қадар, Марказий Осиёдаги энг кучли қабила бу сунну бўлган. Уларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида, Ши Хуанди шимолий чегара бўйлаб Буюк деворнинг асосий қурилишларини барпо этди. Унинг қурувчилари Хитойнинг шимолий минтақасидаги биринчи хитой кўчманчилари бўлган.

²³ Хитойлар томонидан қадимги мўғулларнинг авлодларига нисбатан қўлланиладиган ном.

²⁴ Хуанхэ дарёсининг шимолий оқимлари бўйлаб ҳарбий округлар таъсис қилинган. Хитойлар яшайдиган асосий минтақадан олисда бўлган бу округларга аҳолини кўчириб бориш учун Марказий текисликда яшовчилар мажбурий равишда кўчирилар эди. Хитой ҳудудига кўчиб ўтган суннуларнинг алоҳида уруғлари ва қабилалари чегарадаги округларда ўзларига бошпана топишган. 盖兴之.中介语与底层研究的关系.民族语文, 1996. 第 56 页。

²⁵ Янги жойларда суннулар ва улар билан бирга кўчиб келган Марказий Осиёнинг бошқа халқлари ўзларининг анъанавий машғулотлари ва жамоат ташкилотларини узок вақт давомида сақлаб келганлар. Лекин вақт ўтиши билан уларнинг кўпчилиги ўтроқ ҳўжаликка ўтиб хитой маданияти, тилини қабул қилди. Охир-оқибатда маҳаллий аҳолига сингишиб кетди. 陈松岑.新加坡华人的语言态度及其对语言能力和语言使用的影响.语言教学与研究, 1999. 234 页

²⁶Чегаранинг ғарбий қисмидаги хитойларнинг қўшнилари син-тибет оиласи тилларида сўзлашадиган цянлар эди. Улар Хуанхэ юқори оқимидаги водий ва Кукунор кўли ўртасидаги тоғли ерларда яшар эдилар. Бу ердаги чегара ҳудуди ҳозирги Ганьсу провинциясининг шарқий қисмини ўз ичига олган Лунси водийси эди. Табиий географик нуқтаи назардан, у Вайхэ ва Гаохэ дарёларининг юқори оқими хавзасидир. Бу водий орқали Чанъандан то Яқин Шарққача – Ипак йўли деб номланган трансконтинентал (яъни континентлар орасидаги қатновга оид) алоқа йўли ўтган. Ипак йўлининг бошқаруви билан қизиққан Хань империяси шу йўл бўйлаб гарнизон ва ҳарбий истехкомлари мавжуд чегара округларини қураб эди. Бу йўл сахро орқали ўтганлиги сабабли, шимоли - шарқда асос солиш мўлжалланган аҳоли пунктларини

汉朝 Хан сулоласи ҳукмронлиги охирларида бошланган “Сарик белбоғлилар” кўзғолони (184-190йй.) шунингдек, ички урушлар Шимолий Хитой аҳолисининг қисқаришига олиб келди²⁷. Унинг сабаб Хитойнинг шимолида яшовчи аҳоли жанубга бир неча бор миграция бўлишга мажбур бўлди.

Мигрантларнинг катта қисми шимолдаги қочоқлар томонидан 318 йили асос солинган Шарқий Цзинь сулоласининг пойтахти ҳисобланган - Цзянькан (ҳозирги Нанкин) ҳудудида истиқомат қилишган. IV асрнинг охирига келиб бу ерда 420 минг киши истиқомат қилар эди. Улардан 220 минг киши шимолдан келганлар эди. IV-V асрларда Шарқий Цзинь ерларида шимолдан кўчиб келганлар сони тахминий ҳисоб китобларга кўра миллион кишини ташкил қилган. Улардан тахминан 200 минг киши Шаньдунда, 250 минг киши Янцзининг қуйи қисмида, 170 минг киши ҳозирги Аньхуэй провинциясида, 100 минг киши ҳозирги Сычуань провинциясида истиқомат қилар эди²⁸

IV асргача хитой тилининг Марказий Осиё халқлари тили билан алоқаси чегарадаги округлар ҳудуди билан чекланган бўлган. IV аср бошида Хитойда ўтроқлашган. Сюннулар томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида *сяньби*, *ди*, *цянъ* қабилалари ҳам Хитойнинг Марказий

барпо этиш амалга ошмади. Ҳарбий округлар бу ерда одамлар доимий яшай оладиган сахро ўртасидаги воҳаларда барпо этилар эди. Ҳарбийлар истиқомат қиладиган бу жойларга ҳудудий энг яқин бўлган Гуаньчжун аҳолиси асосан келиб жойлашар эди.郭骏.语言态度与方言变异——溧水县城居民语言态度与语言使用情况的简要调查.南京社会科学, 2007. 250 页.

²⁷ Бу ҳарбий тўқинашувлар одамларнинг жисмонан қирилиб кетишига, Шимолий Хитойнинг уруш сабаб вазияти оғир туманларидан тинч жойларга миграция бўлишига олиб келди. Шимолий Хитойдан мигрантлар етиб бориши мумкин бўлган хавфсиз ўлкалар Янцзининг шимолий қирғоғи бўйлаб унинг юқори оқимидаги ҳозирги Сычуань провинциясидан то шимолдаги Хуанхэ ва Янцзы дарёлари оралиғи бўйидаги кенг ерлар эди.盖兴之.中介语与底层研究的关系.民族语文, 1996. 226 页.

²⁸ Туб аҳоли хануз истиқомат қиладиган ерларда оммавий миграцияларнинг бўлиши, Шимолий Хитойга Марказий Осиёдан кўп миқдорда келганларнинг мавжудлиги турғун мулоқот минтақаларининг вужудга келиши ва қадим хитой тилининг турли диалектларини ташувчи аҳолининг янги ҳудудий гуруҳларини шаклланишига олиб келди.

текислик ва Гуаньчжунга кўчиб ўтишган. Марказий Осиё тиллари билан алоқалар Шимолий Хитойнинг катта қисмига таркала борди. Тарихий манбаларда бу истило олиб келган лингвистик жараёнлар ҳақида манбаларда қайд этилган²⁹.

“Олти сулола” даври тарихий манбаларига кўра, IV-VI асрлар фаол этник ассимиляция (аралашиб бир бўлиб ёки ўхшаб кетиш) жараёнлари ва икки тиллилик кенг тарқалганлиги билан тавсифланади. Уларга V аср охирида Тоба Хун (Вэнь Ди императори Шимолий Вей сулоласи 466-470 йиллар) томонидан ўтказилган сяньбиларнинг ассимиляция сиёсати имконият яратди. Ассимиляциянинг усулларида бири саройда сяньби тилидан фойдаланишни таъқиқлаш эди. Ўттиз ёшдан катта шахслар учун бу ҳол истисно эди. Бу шуни англатадики, V асрнинг охирида пойтахтда сяньбилар ичидаги ёш авлод ҳеч муболағасиз икки тилни билишган. Тахмин қилиш мумкинки, сяньби - хитой икки тиллилиги бутун Шимолий Хитой бўйича кенг тарқалган эди. Шимолий Вей парчалангандан кейин бирлашган шимолий Ци ва шимолий Чжоу мамлакатлари сяньбиларнинг хитойлашишига қарши йўналтирилган этник сиёсатни олиб борди. Бу жараён узлуксиз давом этди. VI асрнинг охирига келиб уларнинг ассимиляцияси бутунлай ниҳоясига етди.

唐朝 Танг сулоласи даври (618-907 йиллар) га келиб Хитойнинг ташқи дунё билан алоқаси мустаҳкамланди. Ўша вақтда Хитой Ипак Йўлининг Марказий Осиёдаги ҳудудини бошқариш учун етарли даражада кучга эга бўлган. Йўл бўйидаги воҳаларга Гуаньчжундан келган ва шунга мувофиқ мазкур мамлакат диалектларида сўзлашадиган янги хитой аҳолиси келиб жойлашди. *Лунси водийсида қянларнинг ассимиляцияси якунига етди.* Бу вақтда асосий хусусиятлари X аср хитой тили тибет транскрипцияларида ифодаланган Шимоли-ғарбий хитой диалекти шаклланди.

²⁹ 中国历史 纲要。北京，1954; Mahmudxo'jayev M.X. "Zhong ing zhao tong shi liao hui bian" Xitoy va O'rta Osiyo mamlakatlarning qadimgi va o'rta asrlar munosabatlarini o'rganishda muhim manbadir / Xitoyshunoslikning dolzarb muammolari. Тош-2004. - 15-20бетлар.

Бу даврда шунингдек, хитой аҳолисининг ҳозирги Сычуань ҳудудига миграцияси ва *Шу* ҳамда *Ба* давлатлари таркибига кирувчи халқларнинг ассимиляцияси давом этди. Ҳозирги кундаги Сычуань провинцияси диалектларининг шаклланиши ўша пайтларда бошланган эди. VII-X асрларда Янцзы қуйи оқимининг жанубий қисмини, Сянцзянь ва Ганьцзянь дарёлари водийларини шимолдан хитой аҳолиси билан жойлаштириш ва ўзлаштириш масаласи амалда ўз якунига етди. Тан сулоласининг қулаши

билан мамлакат тахминий ҳисоб китобларга кўра 50 йилдан кўрпоқ (907-960 йиллар) ички урушлар даврига қадам қўйди³⁰.

Ўз ҳаётининг биринчи йилларидаёқ янги давлат Шимолий Хитойнинг 16та округини ўзида бирлаштирди. Улар Хан сулоласи даврида тузилган чегара округлари жойлашган ерларда эди. Табиий географик нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳамма ерлар Юдинхэ дарёси ва унинг асосий шимолий ирмоқларини ташкил қилар эди.

Киданларга ўтган 16 та округлар ичида Ючжоу округи ва шу номга эга асосий шаҳар ҳам мавжуд эди. Ючжоу шаҳри тоғ этаги текислигида муҳим стратегик ҳолатни эгаллаган эди. У Ляо давлатининг жанубий пойтахти, Цзинь давлатининг марказий пойтахти ва Юань мўғул сулоласининг Буюк пойтахти бўлган. Келгусида унга Хитой тарихида Шимолий пойтахт ва бугунги кундаги хитой миллий тилининг асоси ҳисобланган диалект шаклланган шаҳардек мисли кўрилмаган ролни ўйнаш тақдир қилинди.

1038 йили Хитойнинг ғарбий чегараларида ҳозирги Нинся, Ганьсу провинциялари ва ҳозирги Шеньси провинциясининг шимолий ерларини ўзида бирлаштирган тангутларнинг Си Ся давлати ташкил этилди. Син-тибет тилларида сўзлашадиган тангутлар дастлаб кўчманчи халқлар бўлиб, XII асрда ўтроқ ҳаётга ўтишган. Бу уларнинг давлатида хитой маданияти ва

³⁰ Мамлакат учун бу сиёсий жараёнларнинг ўзига хослиги империянинг ўзидан кейин 5 сулолага бўлиниб кетиши билан таснифланади. Мамлакат аҳолиси яна қайта янги оммавий миграциялар даврига қадам қўйди.

хитой тилининг сўзсиз кенг тарқалишига олиб келди. Си Ся давлати 1227 йили Чингизхон томонидан тугатилган. Лекин тангутларнинг этник ва лингвистик ассимиляцияси кечроқ якунланган.

1125 йили Тунгус-маньчжур гуруҳи тилида сўзлашувчи халқ-чжурчженлар зарбаси остида Ляо сулоласи кулади. Унинг ерлари янги Цзинь давлатига ўтди. Унинг таркибига Ляо бошқарувида бўлган Хитойнинг маълум қисмлари кирган. Ляо давлатининг собиқ жанубий пойтахти яқинида Цзинь давлатининг ўша пайтдаги Марказий пойтахти-бугунги Пекин қурилган. 1153 йилдан 1214 йилгача пойтахт давлатнинг асосий шаҳри бўлган. Цзинь давлати ва Сун хитойлари ўртасидаги чегара Хуанхэ дарёсидан ғарбга Циньлин тизма тоғ тармоқларига ўтган. Давлат ҳукуматининг ўзгариши нафақат Марказий текисликдаги ҳарбий ҳаракатлар билан, балки табиий офатлар билан ҳам содир бўлар эди. Уларнинг ичида энг ҳалокатлиси 1194 йили Хуанхэдаги дамба(кўтарма) нинг бузилиши эди. Бунинг натижасида дарё ўзани йўли ўзгариб, Шаньдун ярим ороллари жанубидаги Сарик Денгизга қуйила бошлади. Бу воқеалар жанубга мигрантлар оқимини янада кучайтирди. XIII аср бошида Шимолий Хитой аҳолиси ҳисобланган хитойлар ва чжурчженларнинг миқдори тахминан 40 млн. кишини ташкил қилар эди. Шимолий Хитой Цзинь давлатига бирлашгандан кейин дарҳол эгалланган ерларга чжурчженларни жойлаштириш бошланди. Забт этувчилар хитойларнинг ерларига ёлғиз оилалари, уруғлари билан эмас, балки уларнинг тепасида чжурчжен бошлиқлари турган йирик жамоалари билан кўчиб келишди. Уларнинг Хитойда яшаган минтақаларининг аниқ тафсилоти йўқ, лекин ҳозирги Хэбэй ва Шаньдун провинцияси ҳудудларида чжурчженларнинг жамоаси мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Чжурчженлар жамоасининг хитой тили муҳитида узоқ вақт бўлиши фаол тил алоқаларига ва икки тиллиликка олиб келди. Этник хусусиятлар ва она тилини сақлаб қолишга бўлган барча ҳаракатларга қарамай, Хитойда ўтроқ ҳаёт кечирган чжурчженлар жуда тез ассимиляцияга учради. XII асрнинг 70 йилларида

амалдор шахсларга чжурчженчасига сўзлашиш мажбурий ҳисобланган, хитой тилини тарқалишини чеклайдиган ҳукумат қонунлари қабул қилинди. Чжурчженлар Хитойга кўчиб келгандан 40 йил кейин бундай қонунларнинг пайдо бўлиши, Хитойда туғилган авлоднинг икки тилли эканлигини ва улар хитойча гаплашишни афзал кўришини англатар эди.

XIII аср бошида Чингизхон бошчилигидаги мўғул империяси Хитой учун курашга киришди. 1214 йилда мўғуллардан чекинган чжурчженлар пойтахтни Марказий текисликдаги Кайфэнга кўчириб ўтишга мажбур бўлдилар. 45 йилдан кейин мўғуллар бутун Хитойни эгаллайдилар ва Юань сулоласини тузадилар. Бу сулола у ерда 1368 йилгача деярли 100 йил ҳукмронлик қилади. Чжурчженларнинг бир қисми Шимолий Манжуриянинг пастқам, хилват жойларига қочган. Лекин уларнинг кўпчилиги Хитойда қолган. Мўғул ҳукмронлиги чжурчженлар ассимиляциясини тезлаштирди.

Мўғуллар ўз империяси фуқароларини этнохудудий гуруҳларга бўлганда, хитой тилини биладиган чжурчженларни – хитойликларга ва хитой тилини билмайдиганларни - мўғулларга тегишли деб кўрсатишган. Шимолий Хитойда ўтроқ ҳаёт кечирган чжурчженлар ўша пайтдан бошлаб хитойлик деган этник статус(ҳуқуқ) ни олишди. Хитой аҳолиси 2 та гуруҳга ажратилган: 汉人 ханьжень “хитойлик” ва турли фуқаролик ҳуқуқлари берилган 南人 наньжень “жанублик”.

Мўғуллар даврида 金朝 Цзинь давлатининг Марказий пойтахти 大独 Даду “Буюк пойтахт” номини олади.³¹ Минь сулоласи даврига келиб ҳозирги Пекин “Шимолий пойтахт” янги номини олади.

Хитой тарихида нисбатан қисқа муддат ҳукмронлик қилган мўғул сулоласи даври Хитой лингвистик ҳолатининг ривожланишига муҳим

³¹ Мўғуллар Хитойга оммавий аҳоли кўчириш ҳаракатини амалга оширмаган, бироқ император саройи, сарой гвардияси, мамлакат бошқарувининг марказий органлари жойлашган пойтахтда мўғул аҳолиси сезиларли даражада кўпчиликни ташкил қилган.

таъсир кўрсатди.³² Хитой мансабдорларига ишонмаган ва мураккаб веньянь ёзма тилини тушунмаган мўғул хукмдорлари улардан расмий хужжатларда фойдаланмасдилар. Бу даврдаги маъмурий хужжатлар кўпчилик мўғул амалдорларига маълум бўлган оғзаки тил асосида тузилар эди. Бу тилда Юань сулоласининг қонунлар тўплами ва кўплаб маъмурий хужжатлар ёзилган. Уларнинг ичида фақат ёдгорлик тошига ўйиб ёзилганларигина бугунги кунгача сақланиб қолган. Юань сулоласи даврида кўпгина драматик ва насрий асарлар ёзилган байхуа адабий тилининг ривожланиши давом этди. Ўша пайтдан бошлаб веньянь ёзма тили адабиётда тадрижийлик асосида ўз аҳамиятини йўқота борди.

元朝 Юань сулоласи Шимолий Хитой худудида узоқ вақт хукмронлик қилган чет эл сулолаларига бархам берди. Мамлакатнинг катта қисми деярли икки ярим аср ва 16 та шимолий округлар эса тўрт аср давомида чет эл хукмронлиги остида бўлган. Шимол ва жанубнинг тарихий тақдиридаги фарқлар мамлакатнинг бу қисмидаги этник ва лингвистик хусусиятларнинг шаклланишига олиб келди. Ўша давр этник ва лингвистик жараёнлари етарли даражада ўрганилмаган, бироқ бу хусусиятлар фаол этник ва лингвистик контактлар (алоқалар) натижасида шаклланганлигини тахмин қилиш мумкин.

明朝 Минь сулоласи хукмронлиги дастлабки йилларида (1368-1644) мўғулларга қарши кўп йиллик урушларда харобазорга айлантирилган,

³² X-XII асрларда Шимолий Хитойда икки тиллиликнинг тарқалиши ҳақида ўша пайтдаги ёдгорликлар гувоҳ беради. Цзинь ва Юань даври драмаларида мўғул сўзлари учрайди. Хитой драмасида чет эл сўзларининг борлиги уларнинг маъноси томошабинларга маълум бўлганлигини кўрсатади. Фақат шу ҳолдагина драмаларнинг саҳнадаги таъсирига ишониш мумкин. “Мўғулларнинг сирли воқеалари” матнларида ва Юань сулоласининг маъмурий хужжатларида мўғул тилининг таъсири грамматик даражада сезилади. Мўғул сулоласи давридаёқ Хитойнинг жануби-ғарбида Гуаньси провинцияси ташкил қилинди. XV аср бошида бу географик ҳудудда Юньнань ва Гуйчжоу провинциялари тузилди. Мин сулоласи даврида янги провинцияларда хитойлик аҳоли пайдо бўла бошлади. Шу тариқа Гуаньхуа гуруҳи диалектларининг жануби-ғарбий ареали (минтақаси) юзага келди. XIII асрда Хитой аҳолиси Синьцзянда пайдо бўлди. XIX асрнинг охири чорагида (кейинчалик у ерда ҳозирги шимоли-шарқий диалектлар шакллана бошлаган) хитой кўчманчиларига Манчжурияга кўчиб ўтиш рухсат берилди. Гуаньхуа гуруҳи диалектларининг бугунги тарихий маданий минтақаси шундай шаклланган. // Shazamanov Sh. I. Xitoyda til vaziyati va siyosati (sotsiolingvistik tahlil). – T.: 2010. –142 B.

ҳозирги Хэбэй, Шаньдун, Хэнань провинциялари ерларига Шаньси қўшни провинциясидан, шунингдек, Жанубий Хитойдан деҳқонлар кўчириб келтирилган. Монголия чегараларидаги ерларнинг ҳавфсизлигини эътиборга олган ҳолда, Хитойнинг ички минтақаларидан келиб чиққанлар ҳисобига ҳарбий гарнизонлар ташкил этилди.

Мўғул сулоласи қулагандан сўнг Буюк пойтахт 北平 Бейпин “Тинч, хотиржам шимол” янги номини олди ва Минь сулоласи пойтахти Нанкинда таъсис этилди. Бироқ Минь сулоласи ҳукмрон синфи ичидаги сиёсий кураш натижасида Бейпин шаҳри 1403 йилда ҳозирги Пекин 北京 “Шимолий пойтахт” номини олди. 1421 йилда бу ерга Хитой пойтахти кўчирилди. Пекинга Марказий муассасалар билан бирга Нанкин, Цзян-Хуай икки дарё ўртасидаги шеваларида сўзлашувчи кўплаб ҳукумат ишчилари келди.

Биринчи боб бўйича хулоса

Замонавий хитой тили диалектларининг шаклланиши, аввало, диалектлараро мулоқот воситаларининг шаклланиши билан боғлиқ. Хитой ҳудуди камида 3 минг йиллик мобайнида шаклланган ва фақат XX асрга келиб бугунги қиёфасини олди. Хитой аҳолисининг унинг ҳудуди бўйлаб тақсимланиши Хитой халқининг тарихий тақдири билан боғлиқ кенг масштабдаги демографик ва этник жараёнлар билан боғлиқ. Бу тақсимланишга мувофиқ турғун мулоқот ҳудудлари ва улар билан бирга хитой тили диалектлари ҳам шаклланди.

Ҳозиргача замонавий хитой тилида шеваларининг 7 дан 10 тагача гуруҳи ажратилади³³. Лексик-статистик усул билан ифодаланиб бир-бирига яқинлик даражасига кўра бу гуруҳлар қуйидагича таснифини олади:

³³ Т. Акимовнинг хитой тили лицейлари учун ёзилган дарсликда ҳозирги замон хитой тилида 8 та асосий шева мавжудлиги таъкидланади. Унингча бу шевалар 8та вилоят халқининг сўзлашиш шеваларига асосланган ҳолда қуйдаги; шимолий Хитой (шимолий шева, жянгсу- Чжежян (шу шеваси), Хунан (хунан шеваси), жянгси (жянгси

官话 Гуаньхуа (шимолий шевалар) гуруҳи. Хитой ҳудудининг тўртдан уч қисмини ташкил қилиб, мамлакат аҳолисининг тўртдан уч қисми сўзлашади. Бу шевада асосан Хитойнинг (Кэбей, Хэнань, Шань дун, Цзянсу, Аньхой, Шаньси, Шэньси, Ганьсу, Нинься-хуэй автоном ҳудудида ички мўғилистоннинг ғарбий қисмида) ҳамда Си чуань, Юньнань, Гуйчжоу, Гуанси провинцияларининг шимолий шарқий қисмида жойлашган аҳоли гаплашади. Мазкур шевада гаплашувчи аҳоли мамлакатнинг 70%ни ташкил қилади. Мазкур шева ҳудудида Пекин, Шэн ян, Цзинан, Женчжоу, Гайюань, Сиан, Ланчжоу, Чэнду, Куньмин, Ханчжоу каби йирик шаҳарлари жойлашган.

Хитой тили тарқалиш ҳудудини $\frac{1}{3}$ қисмини қамраб олувчи ва аҳолини 30% ни ташкил қилувчи жанубий шева ҳудудида қуйидаги гуруҳларга мансуб шевалар мавжуд.¹

У шевалар гуруҳи.² Унинг тарқалиш ҳудуди Цзянсу провинцияси жануби, Аньхой провинциясининг жануби-шарқий қисми ва Чжэ цзян провинциясини аксарият қисмини қамраб олади. У – гуруҳи шеваларида гаплашувчилар сони 55 млн.ни ташкил этади, шева маркази Шанхай ва Сучжоу шаҳарлари ҳисобланади.

Сян шевалар гуруҳи.³ Хунан ва Гуанси провинцияларининг бир қатор уездларида тарқалган. Ушбу шевалар гуруҳида 45 млн. аҳоли гаплашади.

Ган шевалар гуруҳи.⁴ Бу шевалар асосан Хунан ва Цзянси провинциялари, Фу цзян провинциясининг жануби-ғарбий қисмида ва Гуан

шеваси), Кежя (шимолий хитойдан Гуангдонг вилоятига ва яқин атрофдаги вилоятларга кўп асрлардан олдин кўчиб келган халқнинг ишлатиладиган шеваси); (шимолий ва жанубий Фужян шеваси), (Гуандонг - юй шеваси) 8та шевага бўлинади. Хитой аҳолисининг тахминан 70% шимолий шевада гаплашади. Ҳамма шеваларнинг грамматикаси ва тил бойлиги деярли бир-хил бўлиб, улар фақат талаффузда фарк қилади. Хитой тили лицейлар учун дарслик–биринчи қисм.–Тош.: “фан” нашриёти, 2004. – 236.

¹ Статистик маълумотларга кўра Хитой аҳолисининг 30% жанубий шеваларда гаплашади. “Энциклопедия нового Китая”. –М.: 1989. 400с.

² Кўрсатилган манба.

³ Интернет сайти. <http://ru.wikipedia.org>

⁴ Астрахан Е.Б. «Диалекты и национальный язык в Китае» 1985.

дон провинциясининг шимолий қисмида тарқалган. Бу шевалар гуруҳида 27 млн. аҳоли гаплашади, марказий шева Мэйсянь шахри шеваси.⁵

Хакка шевалар гуруҳи. Хитойча 客家话 (*ke jia hua*) (“келган”, “меҳмон”-маъносида). Ғарблик олимлар уни хитой-тибет тиллар оиласига кирувчи мустақил тил сифатида таърифлашади.

Хитой тилида мавжуд шевалар гуруҳида асосан Хитойнинг жанубида истиқомат қилувчи (асосан Гуйчжоуда) хакка халқлари сўзлашишади.

Шимолий минь шевалар гуруҳи – Фу цзян провинцияси шимолида ва Чжэцзян провинцияси Пинчъян уездида тарқалган, унда гапирувчилар сони 16 млн. кишини ташкил қилади. Марказий шева Фучжоу шеваси.⁶

Жанубий минь шевалар гуруҳи. Фуцзян провинциясини жануби-шарқида, Гуандун провинцияси жануби-ғарбида ҳамда Хайнань ва Тайвань оролларида тарқалган.¹ Марказий шева амоя шахри шеваси. Бу шевада гапирувчилар сони 64 млн. кишини ташкил қилади.

Санаб ўтилган гуруҳлар диалектлари маданий ва иқтисодий муносабатларда ривожланган мамлакатнинг жануби-шарқий қисмидаги асосий мулоқот воситаси ҳисобланади.

Хитой тилининг шеваларга ажратилиши мамлакат ичкарасидаги маъмурий-сиёсий ва табиий-географик чегараларга параллел равишдаги муносабатларда содир бўлади.³⁴ Турғун мулоқот минтақаларининг ва хитой тили диалектларининг шаклланиши Хитой ўтмишида рўй берган этник,

⁵ юқорида кўрсатилган 3-манба

⁶ http://ru.wikipedia.org/wiki/миньский_диалект

¹ http://ru.wikipedia.org/wiki/миньский_диалект

³⁴ Мамлакатнинг табиий-географик жойлашуви ҳам хитой тили шевалари тақдирида ҳал қилувчи ўрин тутган. Диалект минтақалари сифатида деҳқончилик билан шуғулланадиган хитойлик аҳоли учун қулай ҳисобланган суғориладиган ерлар учун тўғри келадиган текисликлар ва суви мўл дарёлар яққол кўриниб туради. Диалектлар ўртасидаги чегара сифатида кўпинча кам сонли миллатлар истиқомат қиладиган сув айиргич тизмалар асосий роль ўйнайди. Одатда дарёлар диалектлар ўртасида чегара сифатида роль ўйнамайди. Мустасно сифатида Янцзыни келтириш мумкин. У ўз оқимининг баъзи жойларида диалектларни бирлаштиради ва бошқаларида ажратади.

демографик жараёнлар, шунунгдек, хар бир маъмурий-сиёсий хуудларнинг тузилиши ва аҳоли кўчириб келтирилиши билан боғлиқ.

Хитойнинг шимолий ва жанубий қисмидаги тарихий тақдирлар турлича юзага келган. Мамлакатнинг бутун тарихи давомида шимолий Хитойда тўхтовсиз давом этган турли даражадаги урушлар, хитойнинг шимолий аҳолисининг оммавий равишда жанубга кўчишига асосий сабаб бўлган. Хитой тили шаклланиш тақдирига хос бўлган бундай вазиятлар шимол ва жануб лингвистик ҳолатларига таъсирини ўтказиб турлича ривожланишига олиб келди.

Шимолий Хитойдаги сиёсий воқеалар бу хуудда кенг мулоқот минтақаларининг шаклланишига ва диалектларнинг яқинлашишига олиб келди. Жанубий Хитой аҳолиси бу хуудда умумий мулоқот минтақасини яратиш учун етарли даражада фаол бўлмаган. Улар асосан катта тоғлар билан ажратилган дарё воҳаларида эди. Бу тоғларда кам миқдордаги турли элатлар яшар эдилар ва улар воҳадаги хитой аҳолисига эҳтиёткорона муносабатда бўлар эдилар. Шунингдек, ўз кўшинлари билан мулоқот қилиш имкони хар доим ҳам бўлавермас эди. Шу сабабли жануби-шарқий Хитойнинг хар бир провинцияси ўз диалектида гаплашар эди: Чжецзян – Гань гуруҳи диалектида, Хунань – Сян гуруҳи диалектида, Фуцзян- Минь гуруҳи диалектида, Гуандун-Юэ ва Хакка гуруҳи диалектларида гаплашар эди. Мамлакатнинг бу қисмида турғун мулоқот минтақаси шакллана олмади. Денгиз бўйи провинциялар – Чжецзян, Фуцзян, Гуандун, Гуанси доим денгиз овчилиги ва денгиздаги савдо-сотиқ билан боғлиқ бўлган. Бу ўринда Цзянси ва Хунань провинциялари денгиз билан ҳам, ўзаро ҳам сушт алоқада эдилар.

Бир давлат таркибида бўлган ҳамда географик ва бошқарув минтақалари ўзаро сушт боғланган бу турли халқи бор хуудлар учун ягона умумдавлат мулоқот воситаси бўлиб – ёзуви қадим хитой тилига асосланган, иероглифли ёзув ва веньян адабий тили хизмат қилар эди. Иероглиф ёзувининг ўзига хос кучи- хитой тилининг барча диалектларида

ўқила оладиган белгиларида эди. Шунинг учун маълум диалектда ёзаётганда ёки ўқиётганда венъян матнини тушунишга таъсир қилмас эди. Бунинг учун унинг грамматикаси ва лексикасини билиш етарли эди. Ўрта асрда Хитой ягона умумдавлат сўзлашув тилига эга бўлмаган-ҳамма ўз диалектида гапирган.

Иккинчи боб: Хитойда ягона умуммиллий тилини яратишнинг тарихий босқичлари

2.1. Умуммиллий тилини яратишдаги амалий ҳаракатлар

白话 *Бай хуа - оддий тили*. Ўрта асрларга келиб аста секинлик билан классик 文言 Венъян ёзма тилининг жамият ҳаётидан узилиб “сарой тили”га айланиши, хитой тилининг янги оқими сатида Бай хуа тилининг кучайиб боришига олиб келади. Унинг сабаб, 宋朝 Сун сулоласи даври ҳикоя навислари ва ёзувчилари, шунингдек, 元朝 Юань сулоласи даври драматурглари муваффақиятли равишда қўллаган байхуа адабий тили юзага келди.

明朝 Минь сулоласи (1368-1644) даврига келиб 白话 байхуа тилининг янги компонентлар пайдо бўлади: Цзяннан диалектлари лексикаси ва венъянь тили элементлари. Шу ўринда венъянь элементлари назмий

асарларда муҳим ўринни эгаллашлари мумкин эди. Бу тилда Хитойда ҳозиргача машҳур бўлган кўп асарлар ёзилган. Шимолий Хитой китобхонлари учун мўлжалланган 白话 байхуада ёзилган назмий асарлар жанубда ҳам ўз китобхонларини топди. Чунки улар бутун мамлакат учун ягона ҳисобланган иероглиф ёзувида бўлган. 白话 Байхуа алоҳида бадий тил сифатида шакллангандан сўнг ундан жанубдаги ёзувчилар ҳам фойдалана бошладилар. Улар 北方方言 шимолий диалектларда сўзлашишни билмасаларда, 白话 байхуада назмий асарларни эркин ёза олар эдилар.

白话 Байхуа тилининг ёзилган грамматикаси ва махсус луғати ҳеч қачон бўлмаган. Шунинг учун у чекланмаган тирик сўзлашув тили таъсири ва венъянь бадий тили учун очиқ эди. Сўзлашув тил ва венъянь муносабатлари муаллифнинг бадий таъби ва асар сюжети билан аниқланган. 三国 “Уч подшоҳлик” тарихий қиссасида венъянь элементлари “Цзинь, Пин, Мэй” турмушни тасвирловчи романдагидан кўра кучлироқдир. Байхуада ёзилган хитой назмлари тадқиқотчилари муҳим асарлар шимолий Хитойнинг алоҳида диалектлари билан боғлиқлигини таъкидлайди. “Дарё қўлтиғи” да 山东方言 шаньдун диалектлари таъсири, “Ғарбга саёҳат” да Янцзы ва Хуанхэ дарёлари оралиғидаги диалектлар, “Цзинь, Пин, Мэй” да Цзянсу провинциясининг шимолий қисми диалектларининг таъсири бор. Фақат XIII асрда “Қизил кўшкдаги уйку” асарида ва XIX асрда “Қаҳрамон эркак ва қаҳрамон аёл ҳақида қисса” асарида пекин диалекти юзага чиқади.

Байхуада ёзилган йирик асарларга таъсир кўрсатган диалектлар ичида Хитойнинг шимолий провинциялари диалектлари ёки бевосита – пойтахт Пекин диалектидир. Балки вақт ўтиши билан байхуа асарларига ғарбий

Хитой диалектларининг таъсири ҳам аниқланади, бироқ айти пайтда байхуага аввало гуаньхуа гуруҳининг шарқий диалектлари таъсир кўрсатганлиги тасдиғи билан чекланишга тўғри келади.

Байхуа бадиий тилининг Юань (1260- 1368 йиллар) сулоласи даврида тузилган транскрипцияли хитой-корейс сўзлашгичларида ўз аксини топган оғзаки тил билан солиштириш мақсадга мувофиқдир. У XVI аср бошида қилинган. Бу лингвистик воситалар Хитой пойтахтига махсулотлар билан келган корейс савдогарлари учун мўлжалланган эди. Уларда йўлда, меҳмонхонада, бозорда тушунилиши ва қўлланилиши мумкин бўлган сўзлашув тили ҳавола этилган. Грамматик ва лексик жиҳатдан сўзлашгич тили ўрта аср мумтоз хитой драмалари ва илк назмий асарлар ёзилган илк байхуага жуда яқин эди. Бунинг ҳаммаси шимолий Хитойда XIV асрдаёқ кенг қўлланилган, ёзма тасдиқланган оғзаки тилнинг мавжуд бўлганлигини англатади. Мамлакатнинг бу қисмида ёзма тасдиқланмаган оғзаки нутқнинг шакллари мавжуд бўлиши мумкин. Шимолдан фарқли мамлакатнинг жануби-шарқий қисмида бир нечта алоҳида турғун мулоқот минтақалари шаклланган. Уларнинг ҳар бирида умумий тил йирик сиёсий, иқтисодий, маданий марказ диалектига мослаштирилган. Цзяннанда бу Сучжоу эди, XIX асрнинг охирида эса – Шанхай, жанубий Хитойда- Гуанчжоу. XIX аср ўрталарига қадар сямэннинг маъмурий ҳолати жуда содда эди. Шунга қарамай у йирик порт шаҳар эди. Унинг диалектига Фуцзяннинг жанубий қисми ва Гуандун провинциясининг шарқий қисми мослаштирилган эди. Алоҳида минтақалар тил нормалари шаклланишининг ташқи белгиси сифатида жанубий диалектлардаги бадиий адабиёт ҳисобланади. Шимолий Хитой каби жануб сўзлашув тилидаги биринчи бадиий асарлар ҳам драма ва шеърят жанрида эди. Минь диалектидаги илк машҳур ёзма ёдгорликлар XVI асрга тегишлидир. XVII-XVIII асрларда Юэ диалектидаги ёзма бадиий асарлар пайдо бўлди.

Хитой тили диалектларидаги драматик асарлар бугунги кунда ҳам ёзиб ижро этилмоқда³⁵.

官话 *Гуаньхуа шимолий шева асосида миллий тилини яратиш.*

Гуаньхуа шеваси билан боғлиқ масаланинг мазкур жиҳатлари, унинг орфоэпик, грамматик ва лексик меъёрларининг кодификация қилинишини талаб қилди. Хитой тили орфоэпик меъёрларининг яратилиши 1913 йили февралдан то мартгача фаолиятда бўлган умумий талаффуз Қўмитасида бошланди. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг “иероглифларнинг миллий ўқилиши” ишлаб чиқилди. Унда Пекин диалекти бўғинлари бешта оҳанг билан талаффуз қилинар эди: Пекин диалектининг тўртта оҳангига бешинчи - кириш оҳанги қўшилган эди. 1913 йилги “Миллий ўқиш” 1932 йили иероглифларни пекинча ўқилишига мувофиқ янгисига алмаштирилди. Ўша пайтдан бошлаб 1913 йилги ўқиш “эски миллий ўқиш” деб атала бошланди.

“4 май” ҳаракати ўнлаб грамматик қоидаларнинг дунёга келишини тақозо этди. Уларнинг кўпчилиги *гоюй* миллий тилини таърифлар эди. Аммо, гоюйни назарий томондан асослайдиган алоҳида белгилари ҳам йўқ бўлган. Бу грамматик тадқиқотларнинг хитой илм-фани учун янгилиги билан бирга миллий тилни тўғри қўллаш ва ўрганиш учун қўлланма яратишга интилиш билан тушунтирилади. “4 май” ҳаракати даври грамматикаларида объектни таърифлашда умум яқдиллик йўқ эди. Сюй Дишан грамматикасида *цэн*- ўтган замон префикс шаклини учратиш мумкин эди. У байхуадаги мумтоз асарларда кўп қўлланилар эди ва бугунги кунда *гуаньхуа* гуруҳининг жанубий диалектларида учрайди. Ўша

³⁵ XX асрнинг бошига қадар хитой тили диалектлари таркиби полицентрик бўлган. Унинг ўзига хослиги шундан иборат эдики, ҳудудий марказларнинг мамлакатдаги лингвистик ҳолатга таъсири бир хил эмас эди. Шимолий Хитой диалектларига асосланган байхуа адабий тили умумхитой маданияти юзага келишининг ифодаси эди. Минтақавий марказлардаги диалектлар ўз ҳудудларида устунлик қилар эди. У ерда шу диалектлардаги адабиёт мавжуд эди. Лекин уларнинг ҳеч бири ўз ҳудудидан ташқарида таъсирга эга эмас эди.

давр миллий тилининг ҳамма грамматикаси *ни* ва *ли* модал юкламаларини ажратишар эди.

Бу даврда грамматикадан ташқари миллий тилни ўрганишнинг эмпирик жиҳатларини тавсия қиладиган қўлланмаларни ҳам учратиш мумкин эди. Шанхайдаги миллий тил курсларидаги лекциялар конспектида, уни ўрганишнинг асосий жиҳати сифатида ўз диалектини миллий тил билан қиёслаш ва грамматик ҳамда лексик соҳада уларни боғлаб турадиган қонуниятларни билиб олиш тавсия қилинар эди. Айнан шу усулни кўпчилик қўллар эди. Миллий тил ўрганишнинг бу усули муаллифнинг ўз тили ва услубига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. У ўша давр бадий асарларидаги лексик ва грамматик формаларнинг кўплаб вариантлари манбаи бўлиб хизмат қилар эди.

30-йиллар охирида грамматикадаги изланишларнинг янги жонланиши бошланди. 20-йилларнинг умумий грамматикасидан фарқли равишда, алоҳида мавзуларни ўзида мужассам этган ишлар пайдо бўла бошлади. Шанхай адабий журналида бу соҳанинг кейинги тадқиқотларига таъсир кўрсатган қисқа, бироқ жуда муҳим мунозара бўлиб ўтди. 40-йилларда Ван Ли, Люй Шусян, Гао Минкайнинг йирик тадқиқот ишлари чикди. Уларнинг назарий даражаси 20-йиллар грамматикасидан бекиёс даражада юқори эди. Уларнинг таърифлаш объекти миллий хитой тили эмас, балки ҳам 白话 байхуа, ҳам 文言 венъян, шунингдек, маҳаллий диалект (шевалар)ни қамраб олган умуммиллий хитой тили – (汉语)ханьюй эди.

Хитой тилшунослиги миллий тил лексик меъёрларининг шаклланишига 30-йилларнинг бошларига келиб киришилди. Унинг яратилишидаги биринчи қадам Ли Цзиньси таҳририяти остидаги “Миллий тил луғати” бўлиши керак эди. Унинг ўйлашича луғат, хитой тили тарихининг турли даврларида учрайдиган ва ҳозирги шимолий диалектларда тасдиғини топган умуман барча сўзларни ўз ичига олган

бўлиши керак эди. Шу тариқа, 40-йилларнинг бошида нашрдан чиққан миллий тилнинг етти томли луғати “Гоюй цыдянь” яратилди.

1949 йили ХХР нинг ташкил топиши билан хитой тилида янги йўналиш бошланди. Фан нуқтаи назардан бу давр *хитой тилишунослиги ривожланишининг янги босқичи* номи билан кирди. Унда тилнинг барча соҳалари тез суръатлар билан такомиллаша бошлади. Миллий тилнинг – гоюй деб эски номланиши расман амалда ўз кучини йўқотиб борди (*Гоюй* 1955 йил сентябргача турлича таърифлашлар билан алмаштирилди).

Хитойнинг ўша давр марифатпарварлари ва тилшунослари томонидан хитой тилининг замонга мос номини ишлаб чиқишда жиддий ҳаракатни бошладилар. Бу ҳаракатлар асосан ХХРнинг 1951 йилларига таълуқлидир. Ўша йилнинг июнидан декабригача “Женьминь жибао” газетасида Люй Шусян ва Чжу Дэсининг “Грамматика ва стилистикаси”га бағишланган маърузалари нашр этилди. Ушбу маърузаларда айтилган грамматик фикрлар, ХХР ФА тилшунослик Институтининг грамматика бўйича махсус гуруҳида ишлаб чиқилган эди. Миллий тил грамматик меъёрларини шакллантиришнинг яна бир маркази-тилшунослик нашриётининг “Халқ таълими” таҳририяти эди.

У ерда 1954 йили проф. Чжан Чигу бошчилигида хитой тилининг мактаб грамматикаси дастури тайёрланди ва мактаб фаолиятини амалда тажрибадан ўтказиш мақсадида пекин мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчиларига топширилди. Уни қўллаш тажрибаси муваффақиятли деб эътироф этилди³⁶.

1955 йили сентябрнинг охири ва октябрнинг бошида Пекинда бўлиб ўтган икки конференция хитой тилшунослигидаги муҳим воқеа эди. Ёзув ислоҳоти конференциясида *гоюй* деб аталадиган миллий тилнинг эски номи бекор қилинди ва у янги *путунгхуа* (ҳамм учун тушунарли

³⁶ О реформе китайской письменности (сборник материалов) Изд-во литературы на иностранных языках Пекин 1958.

умуммиллий содда тил)³⁷ номини олди. Биринчисининг иши якунлангандан сўнг очилган конференцияда замонавий хитой тилини нормаллаштириш бўйича иш юритилди ва мактаблар учун хитой тили грамматикасини яратиш қарори қабул қилинди. Бунга асосан проф. Чжан Чигунинг дастури танлаб олинди. 1956 йилнинг бошида бу дастур *“Хитой тили грамматикасини ўқитишнинг муваққат тизими”* номини олди³⁸.

1956 йил кузда фан ва маърифат вазирлиги томонидан ўрта мактабларда грамматикани ўқитишнинг асосий қўлланмаси сифатида қабул қилинди. 1956 йили орфоэпия бўйича махсус комиссия ташкил этилди. 1957 йили октябрда у, талаффузи ҳам тавсия этилган сўзлар ва географик номларнинг биринчи рўйхатини нашр қилди. 1959 йили июлда – иккинчи, 1963 йили январда-учинчи жамланган рўйхат чикди. Қўмита ўз ишини давом эттирмоқда ва керакли пайтларда орфоэпия муаммоларини ҳал қилади.

1977 йилгача “Муваққат тизим” асосида грамматикани ўқитишнинг муҳим тажрибаси тўпланди, тизим ва баён қилиш усулидаги камчиликлар аниқланди. 1981 йил июль, Харбиндаги конференцияда “Муваққат тизим” ва унинг ўқитиш тажрибаси муҳокама остига олинди. Муҳокама натижасида «“Хитой тили грамматикасини ўқитишнинг муваққат тизими” га тузатилган тушунтириш ёзуви ва асосий ўзгартиришлар» юзага келди. Конференция “Тузатилган тушунтириш ёзуви” ва “Муваққат тизим” нинг бошланғич шакли ягона ҳужжатни ташкил қилиб, кейинчалик у *“Тажриба дастури”* деб номлана бошлади.

³⁷ 1955 йил сентябрдаги ёзув ислоҳоти конференцияси резолюцияларида, замонавий хитой тилини нормаллаштириш конференцияси ҳужжатларида берилган путунгхуа миллий тили таърифларида ва 1956 йил февралда эълон қилинган, путунгхуани ёйиш ҳақидаги ХХР Давлат иттифоқи қарорида шу алоҳида таъкидландики, миллий тилни талаффуз стандарти пекин талаффузи ҳисобланади. Унинг асоси этиб шимолий Хитой диалектлари ҳисобланади. Гуаньхуанинг грамматик меъёри замонавий байхуада ёзилган мумтоз асарлар ҳисобланади.

³⁸ О реформе китайской письменности (сборник материалов) Изд-во литературы на иностранных языках Пекин 1958.

“Муваққат тизим” га киритилган тузатишлар хитой тили грамматикаси далиллари трактовкасида анча ўзгаришлар бўлганлигини билдиради, бироқ ундаги грамматик ҳодисалар кўламини кенгайтирмади. Умуман олганда, “Тажриба дастури” ва “Муваққат тизим” ўқувчиларни она тили грамматикасининг нозик жиҳатлари билан таништириш учун эмас, балки умумий категориялари ҳақида тушунчалар бериш мақсади қўйилган хитой тили грамматикасининг қисқа очерки бўлиб қолади. Путунгхуа миллий тили мактаб грамматикасининг ҳам бошланғич, ҳам ҳозирги шакли аввало ўқитувчилар учун қўлланма ҳисобланади. “Тажриба дастури” номини олган қисқа грамматика, албатта, миллий хитой тили меъёрий грамматикасининг муаммолари ечими ҳисобланмайди. Миллий тилнинг муваффақиятли ривожланиши учун барча грамматик ҳодисаларни ва грамматик шакллар орқали бериладиган алоҳида маънолар таърифини қамраб оладиган катта грамматика талаб қилинади. Бу каби грамматикани тузиш “Тажриба дастури” га солиштирганда анча мураккаб ишдир. Чунки бу ерда путунгхуа миллий тили ва гуаньхуа гурухи диалектлари грамматик ҳодисаларидаги фарқ ҳақидаги жиддий масала юзага чиқиши шарт. Ушбу вазифани муваффақиятли бажариш учун нафақат тилшунос олимлар, балки ўз асарларида реал мавжуд сўзлашув тилига таянган миллий тилнинг меъёрларини яратиши лозим бўлган ёзувчиларнинг ҳам ҳаракатлари керак бўлади.

1978 йил августда бир нечта тузатишлардан сўнг, 现代汉语词典 “Сяньдай ханьюй цыдянь” (Замонавий хитой тили луғати)³⁹ номи билан нашр қилинди. Бу луғат ҳеч қаерда меъёрий деб ёзилмаган, лекин унинг меъёрий вазифаси шубҳа уйғотмайди. Бу луғатда жамланган лексика путунгхуа миллий тили ҳақида тасаввур беради.

³⁹ 1955 йил октябрда бўлиб ўтган замонавий хитой тилини нормаллаштириш конференциясида, Сун Чунъи ўрта ҳажмдаги миллий хитой тили луғатини яратиш фикрида эканлиги ҳақида ҳисобот берди. У, луғат асосан оғзаки сўзлашув тилига мослаштирилган бўлишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Луғат асосини Пекин диалекти, адабиёт ва матбуотнинг энг кўп қўлланиладиган лексикаси ташкил қилади.

Миллий тил муаммоларининг узоқ йиллар давом этган узликсиз муҳокамаси мантикий томондан миллий тил ва диалектлар алоқаларини тушиниш билан боғлиқ ҳақли саволнинг пайдо бўлишига олиб келади. Миллий тил ва Пекин диалектларининг орфоэпик меъёр даражадаги алоқалари бўлганлиги шубҳасиздир; пекин талаффузи миллий тил талаффузи учун меъёр ҳисобланади. Миллий орфоэпик меъёр пекин диалектининг товуш ва оҳанглари қабул қилган. Лекин – 儿 ”эр” кўшимчасини қўллашдаги пекин морфонологияси бўйича яқдил фикрларга келинмаган.

Миллий тил ва диалектларнинг грамматик меъёр даражадаги алоқалари кам аниқланган. Замонавий адабиётда Пекин сўзлашув нутқида бўлмаган грамматик конструкциялар ва ҳатто ёрдамчи морфемалар ҳам учрайди. Уларнинг кўпчилик қисми хитой тили диалектларидан, асосан, гуаньхуа гуруҳи диалектларидан келган. Баъзи асарларда XVIII аср ва ундан аввалги даврлар мумтоз асарларидан ўтган грамматик шакллар учрайди. Уларни миллий тил грамматик меъёрига мувофиқлигини аниқлаш тилни нормаллаштиришдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун гуаньхуа гуруҳи диалектларини ўрганиш, нафақат хитой тили грамматикаси изланишларида, балки уни нормаллаштириш ва ўқитишда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий тилнинг лексик даражадаги алоқалари, пойтахтдаги гуаньхуа билан Хитойнинг бошқа туманларидаги диалектлар алоқаларида намоён бўлади. Миллий тил лексикасининг диалектлар лексикаси билан ўзаро таъсири, уларнинг грамматик соҳадаги таъсиридан анча кенг ҳисобланади. Аслини олганда, у Гуаньхуа диалектлари чегараларидан чиқади. Грамматик меъёрдан фарқли миллий тилнинг лексик меъёри, алоҳида олинган ҳар бир диалект лексикасидан бой ҳисобланади.

2.2. Путунгхуанинг миллий тил сифатида шаклланиш босқичлари

*Путунгхуа*⁴⁰ нинг келиб чиқиш тарихига назар ташланса, Путунгхуа Хитойда яшовчи турли миллатларнинг умумий ўзаро алоқа воситасидир. Путунгхуа ёйила бошлашининг дастлабки даврлари Минг сулоласи даврида ҳозирги Юннан провинциясининг Ланмао ҳудудида рўй берди. Инглиз тилидаги Mandarin сўзи айнан путунгхуани англатади. Путунгхуага фонетик жиҳатдан Пекин, лексик жиҳатдан шимолий шевалар, граматик жиҳатдан эса маълум бир қолипга тушган замонавий байхуа тили грамматик қоидалари асос қилиб олинди.

Хитой манбаларида “Путунгхуа Цин сулоласи даврида ҳам мавжуд эди” деган фикрлар эътироф этилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак “путунгхуа” – ушбу ном (атама) Цин сулоласи сўнгги даврларида баъзи тилшунослар томонидан қўлланилган. 1906 йилда Жу Вэнсионг томонидан Вэнян ва шеваларга муқобил сифатида барча провинцияларда бирдек тушунарли бўладиган, қўлласа бўладиган “путунгхуа” (содда, оддий тил)ни ёйиш фикрини кўтарган. 1909 йилда Цин сулоласи ҳукумати “Давлат тилини таҳрири кўмитаси”ни ташкил этди. Путунгхуанинг расман жамиятда ўз ўрнини топишида 1913-1924 йиллар ўзига хос ўрин тутди. 1913 йили овоз бериш йўли билан ўтказилган иероглифларни ўқишни стандартлаштириш бўйича конференция чақирилади⁴¹, аммо маълум сабабларга кўра хитой тилини стандартлаштириш масаласи якунига етмай қолган эди.

Путунгхуа Хитойнинг ҳукумат тили, ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олтита ишчи тилларидан бири. 《Хитой Халқ

⁴⁰ Путунгхуа Хитойнинг турли ҳудудларида турлича номларга эга. Континентал Хитой, Ганконг ва Макаода путунгхуа; Тайванда гуоюй яъни, давлат тили; Жанубий-шарқий Осиёда яшовчи хитой диаспораси хуаюй; илмий доираларда сяндай тонгёнг ханюй яъни, ҳозирги замон умум хитой тили.

⁴¹ Унда ҳар бир провинция ўз овозига эга бўлиб, кўпчилик овоз асосида, яъни хитой тилшуносларининг эътироф этишларича битта кўп овоз билан Пекин шевасига асосланган талаффуз эмас, балки сунъий равишда тузилган талаффуз қабул қилинган эди. 1924 йили бу сунъийликдан воз кечилди. 10 йил ичида Пекин шевасига асосланган стандартга қайтилди.

Республикасининг Конституцияси 》 42 нинг 19-моддасида шундай таъкидланади: “国家推广使用普通话” яъни, “Давлат кенг тарзда путунгхуадан фойдаланади”. 《Хитой Халқ Республикасининг умум тил ва ёзуви қонуни》 да путунгхуа умум давлат тили эканлиги қонунан белгилаб қўйилган.

Путунгхуа учун Шимолий шеваларнинг асос қилиб олинганлиги, пекин шевасининг фонетик мезон сифатида белгиланганлигига сабаб сифатида қуйидагилар кўрсатилади 43:

一、以北方话为基础方言，主要是考虑到新中国定都北京，而北京地区的人都说普通话，况且其作为官话有一定的推广历史和基础，北方的汉族人虽然有自己的地方语言，但是也能说少许的普通话，因此为了稳定大局，新中国顺势就沿用普通话作为官方用语。

1) Шимолий шеваларнинг асос қилиб олинганлигининг асосий сабаби Пекиннинг янги Хитойнинг пойтахти сифатида белгиланганлиги, Пекин ҳудуди аҳолисининг нафақат путунгхуада гаплашиши, балки узок даврлар мобайнида ҳукумат тили сифатида кенг асосга эга эканлиги; Шимолда яшовчи хан миллатларининг ўз маҳаллий шевалари бўлса-да, путунгхуада гаплаша олиш салоҳиятига эга. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда янги Хитойда путунгхуа давлат тили сифатида белгиланди.

二、普通话糅合了大量的少数民族词汇，尤其是以北京地区的语音和词汇，包容多民族语言，如胡同（蒙古语）、车站（蒙古语）、磨蹭（满语）等，这些都融入日常用语之中；

⁴² 中华人民共和国宪法（全文）．法制中国．2013-09-04 [引用日期 2015-04-4]．

⁴³ 吴春玲．新中国建立以来普通话推广述论：教育评论，2010．

2) путунгхуа ўз таркибига катта миқдорда кам сонли миллатларнинг лексикасини қамраб олади. Айниқса, пекин шеваси фонетикаси ва лексикасида бу яққрол кузатилади: 胡同 hutong (мўғул тили), 车站 chezhan (мўғул тили), 磨蹭 moceng (манжур тили) ва ҳоказолар. Бундай сўзларнинг аксарияти кундалик ҳаётда ишлатилувчи сўзларга айланган.

三、中国自古以来就是多民族的国家，不同的民族有不同的语言文字，而在中华人民共和国成立初期，美苏对抗，对于亲苏的新中国来说，为了避免国外敌对势力的联合绞杀，新中国迫切需要一种共同语来实现不同地区的新中国国民的沟通与交流，以举全国之力对抗外敌，而普通话有清代和民国两百多年的推广历史和基础，因此继续沿用普通话作为官方用语。

3) Хитой қадимдан кўп миллатли давлат бўлиб келган. Кўпгина миллатлар ўз тили ва ёзувига эга. Бироқ, Хитой Халқ Республикаси ташкил топганлигининг дастлабки йилларида АҚШ ва Собик иттифок ўртасидаги қарама-қаршилик янги ташкил топган Хитой нуктаи назаридан қараганда унинг сувирентитига жиддий хавф солиши мумкин эди. Ўз сувирентитини ҳимоя қилиш, ташқи душманга қарши тура олиш учун Хитойга турли ҳудудларда яшовчи янги Хитой халқининг умумий алоқалашув тили бўлиши шарт эди. Шу сабабдан ҳам Чинг сулоласи ва Хитой Республикаси даврларидаги 200 йиллик тарих ва асосга эга путунгхуа умум давлат тили сифатида муомалада қолиши маъқул топилади.

“Путунгхуа” сўзи дастлаб Чинг сулоласининг сўнгги даврларида пайдо бўлди. 1902 йилда тадқиқотчи У Рулун Японияга илмий сафар уюштирганда, япон олимлари унга Хитойда албатта давлат тилида таълим беришнинг ягона тил системасини ишлаб чиқиш кераклиги ҳақида фикр

билдиришади. Айнан ўша суҳбат чоғида “путунгхуа” сўзи тилга олинади. 1904 йилда инқилоб ёзувчиси Чю Жэн японияда таҳсил олаётган пайтида “Нотиклик тўғарагини” ташкил қилади ва тўғаракнинг мақсад вазифалари қисмида “путунгхуа” сўзи учрайди. 1906 йилда транскрепция масалалари билан шуғулланувчи олим Жу Винсёнг 《Жянгсунинг янги алифбоси》 (《江苏新字母》) асарида хитой тилини “хукумат ёзуви” (“国文”), “путунгхуа” (“普通话”) ва “шевэллар” (“俗语”(方言)) каби уч қисмга ажратади. У нафақат “путунгхуа” сўзини ишлатди, балки унга аниқ таъриф ҳам келтириб ўтади: “Хар бир провенция умум фойдаланадиган тил”. Кейинчалик Чю Чюбай 30-йилларда ўзининг «Иблис дарвозаси ортидаги уруш» (《鬼门关以外的战争》) асарида шундай таъкидлайди: “Адабиёт инқилобининг вазифаси умуман янги типдаги поэзия, проза ёки драма яратишдан иборат эмас, балки Хитойнинг ўрнига замонавий путунгхуани таъсис қилмоқдир”. “4 май” ҳаракатининг байхуа тили қаноти, умумий тил ва хукумат тили ҳаракатлари пекин деаликти фонетикасининг ўрни янада мустаҳкамланишига олиб келди.

1982 йилда қабул қилинган ХХРнинг янги конституцияси қуйидагиларни белгилайди: “Давлат путунгхуа (бутун мамлакатда қўлланилувчи умумий тил)ни кенг ёяди”.¹ Муаммога бундай ёндашув путунгхуанинг майда элатлар яшовчи ҳудудларга мажбурий сингдириш фикридан йироқлашдир. Диалектларнинг кенг тарқалганлиги бунинг асосий сабабидир. Бу эса ҳозиргача эса “*умуммиллий ягона хитой тили*” номининг мавжуд эмаслигидан далолат бериб хитой тили қадимий бўлсада, умумий хитой тили “ёшдир” деган тўхтамга келинади. Масалан, ХХРдан мустасно тариқасида Сингапурда хитой тилига нисбатан 华语 (hua yu)⁴⁴ деб аталади. Путунгхуанинг стандарт (меъёрий) талаффузи Пекин шевасига

¹ Конституция Китайской народной республики. 1982 год.

⁴⁴ <http://ru.wikipedia.org/китайский язык>

асосланганлиги минг асрдан кўпроқ давр мобайнида Ляо, Цзинь, Юань, Мин, Цин сулолалари ҳукмронлиги даврида Пекинни пойтахт сифатида тарихий ривожланишидаги натижаси сабабидир.

1956 йилга келиб Путунхуа орфоэпик комиссияси⁴⁵ томонидан 1957-1959-1962 йилларда “сўзлар тавсия этилган ўқилиши ҳақидаги рўйхати дастури” қабул қилиниб, уч қисмдан иборат шаклда нашрдан чиқарилди. Унга 170 та шаҳар ва уездлар номлари киритилди. Аммо, 1960-1970 йилларда мамлакатда содир этилган сиёсий-ижтимоий носоғлом муҳит мазкур жабҳалардаги саъйи-ҳаракатларга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди. “Путунхуа орфоэпик комиссияси” фаолияти ҳам тарқатиб юборилиб фақат 1982 йилга келиб қайта тикланди. 1956 йилда “*ҳар хил*” ўқилишдаги қоидаларга нисбатан орфоэпик меъёр танлаш масаласи кўриб чиқилди. Улар қуйидагилардан иборат:

1) Ўқилиши иероглифларга нисбатан эмас, аксинча сўзга нисбатан олинади. Масалан “*тўлқин*” сўзи иккита ўқилишга эга: “*bolang*” ва “*polang*”, иероглифи “*коэффициент*” сўзида деб, “*бошқариш*”, “*раҳбарлик қилиш*” сўзида эса *shuai* деб ўқилади.

2) Пекин диалектидаги баъзи сўзлар унчалик кенг тарқалмаган бўлсада, хатто улар Пекин талаффузи умум ривожланишининг қонуниятлари билан мос тушмасада, уларни амалда ишлатилиш мумкинлиги масаласидир. Бунда айрим сўзларнинг минтақавий кенг истеъмолда бўлганлиги асосан эътиборга олинади. 危 “wei” (“Хавф-хатар”) 期 “qi” (“муддат”) кабилар бунга айнан мисол бўлиши мумкин. Яъни бу каби сўзлар ўзининг ўқилиш нуқтаи назаридан умум қоидаларга мос тушмайди, лекин кенг тарқалган.

3) Ўқилиш методларининг “*кай*” ёки “*хэ*” категориясига тегишлилиги принциплари асосида танланади, яъни бунга асосан “*кай*” категориясига урғу берилади, стандарт сифатида эса сўзлашув талаффузи олинади.

⁴⁵ 中国的文字改革 外文出版社 (北京) 1958 年 9 月 第 1 版。

4) Қадимда кириш оҳанги билан ўқиладиган ва бўғин охирида жарангсиз ундош товушга эга бўлган иероглифлар пекин диалектида турли оҳангларда, жумладан текис оҳанг билан ўқирилиши. Аксарият ҳолларда ҳар қандай иероглиф алоҳида кўриб чиқилиб энг кенг тарқалган ўқирилиши танланади.

5) Ҳар бир бўғин учун фақат путунгхуа сўзларининг ўқирилиши, жумладан путунгхуада кенг тарқалган ва Вэнянга хос сўзлар, ченгюй, афоризмларни ўқирилиши киритилган. Бу мезонга асосан шевага хос (жумладан пекин лаҳжаси) ва қадимги хитой тили сўзларини ўқирилиши кўриб чиқилмайди.

Фақат исм-шарифларни ва географик номларни билдирувчи, охириги йилларда нашрда пайдо бўлган мураккаб иероглифлар кўриб чиқилади. Умуман ҳар қандай вазиятда ҳам сўзлар ўзининг тилшунослик қонуниятлари ва ишлатилиш талаффузи нуқтаи назаридан путунгхуадаги ўқирилишига мос тушириш керак бўлади. Зеро, “путунгхуа сўзларини тавсия этилган ўқириш рўйхати дастури” ни яна бир бор кўриб чиқилгандан кейин у расмий ҳужжат мақомини олади⁴⁶.

Мамлакатда путунгхуани кенг ёйишда ўқитувчи-педагогларни битта ўқирилиш танланади. Бунда кам миқдордаги баъзи сўзлар икки ўқирилишда сақланиб қолади. Масалан, 卅 “хуе” ҳам “хйе” (”қон”) каби билдирувчи иероглифлар мисол бўлади.

Шунингдек, географик номни билдирувчи бир қатор иероглифлар тарихида ўз ўқирилишга эга бўлган, аммо ҳозирда замонавий ўқирилишга кўра мос тушмайдиган иероглифлар Пекин ва маҳаллий талаффуз қонун қоидаларига мослаштирилади. Путунгхуа талаффузида ўқиладиган кўринишини олади.

1982 йили орфоэпик комиссиясининг иши қайта ташкил этилгандан кейин “иероглиф ўқитилишини кўриб чиқиш доираси ва принциплари”

⁴⁶ О реформе китайской письменности (сборник материалов) Изд-во литературы на иностранных языках Пекин 1958.

ҳақидаги ҳужжат ишлаб чиқилди. Қуйидагилар унинг моҳиятини ташкил қилади:

1. Пекин шаҳри ва барча провинцияларда ўқув муассасаларда путунгхуа тил ва ёзувини жорий этиш борасида “путунгхуани ўрганувчи курслари” тўғрисидаги мажбурий таълим фаолият олиб боради.

Сўнгги йилларда орттирилган билимларни янада аниқ баҳолаш мақсадида “путунгхуани эгаллаганлик даражаси мезонлари” ҳужжати ишлаб чиқилди. Унинг амалдаги ижроси *учта босқичда* амалга оширилади:

Биринчи босқич: ўз ичига путунгхуада эркин сўзлашиш, товушларни ва оҳангларни аниқ талаффуз қилишни қамраб олади: нутқ ва оҳанг меъёрга тўғри келиши керак. Бунга асосан омма олдидаги чиқишларда, расмий ҳужжатларда ва суҳбатларда шевага хос сўзларнинг ишлатилиши қатъиян ман этилади.

Иккинчи босқич: меъёрий қонун қоидаларга мос тушувчи путунгхуани ишлатишда шевага хос сўзлар меъёردа ишлатилишига руҳсат этилган, оҳанглар аниқ талаффуз қилиниши, хатога йўл қўйилса сўзловчининг ўзи томонидан тўғриланиши лозим бўлади. Шевага хос сўзларни ишлатиш суҳбатдаги ўзаро тушунишга таъсир қилмаслиги керак.

Учинчи босқич: меъёрлашмаган путунгхуада сўзлашиш билан боғланганлик масаласи: бунда товуш ва оҳанглар тўғрилиги, лексик ва грамматик меъёрга тўғри келиши, шевага хос талаффуз меъёрлари эътиборга олинади. Бунда ўзаро тушуниш 90% ни ташкил қилади. Учинчи босқичга етмаган путунгхуани билиш босқичи тайёрлов босқичи ҳисобланади, ундан юқориси эса махсус босқич ҳисобланади⁴⁷. Мазкур мезонлар учун амалда шахс, турар жой, касби, ёши, миллати каби омиллар эътиборга олинади.

Умуман путунгхуанинг “гуоюй”дан фарқли томони унинг минтақада тарқалиш доираси жойларга қараб турлича кечмоқда, ҳаттоки тадрижий

⁴⁷ О реформе китайской письменности (сборник материалов) Изд-во литературы на иностранных языках Пекин 1958.

ривожланиш хусусиятлари путунгхуа учун хос бўлиб бораётган жараёндир. Шу мақсадда ХХР конституциясига “путунгхуани ёйиш ҳақидаги кўшимча низом” киритилди. Бугунга келиб бу меъёрий ҳужжат асосида мамлакатни бутунлай путунгхуага ўтказиш жиддий тус олмоқда. Хўш бундан кўзланган мақсад нима? *Биринчидан:* мамлакатда расмий тил сифатида путунгхуанинг мақомини мустаҳкамлаш. *Иккинчидан:* имкон қадар путунгхуани чет мамлакатларда нуфузини ошириш ва бу йўлда бутун кучларни бирлаштириш ва ҳ.з.лар билан изоҳлаш мумкин.

Путунгхуанинг фонетик хусусиятлари:

1. 音节结构简单，声音响亮。普通话中，一个音节最多只有 4 个音素，其中，发音响亮的元音占优势，是一般音节中不可缺少的成分。一个音节内可以连续出现几个元音（最多三个），如 huai（坏），而且普通话音节中没有复辅音，即没有像英语 lightning（闪电）。俄语 Встреча（遇见）那样几个辅音连在一起的现象。

1. Бўғинлар бирикуви содда, товушлар аниқ. Путунгхуада бир бўғин кўпи билан тўрт фонемадан иборат бўлиб, бунда талаффузи осн ва аниқ бўлган унли товушларнинг аҳамияти катта ва ҳеч бир бўғин уларнинг иштирокисиз ясалмайди. Бир бўғинда бир нечта унлилар қатнашиши мумкин (кўпи билан 3 та), масалан huai（坏），бироқ, путунгхуада бўғинларда ундошларнинг кетма-кет боўланиш ҳодисаси учрамади.

2. 音节界限分明，节律感强。汉语的音节一般都是由声母、韵母、声调三部分组成，声母在前，韵母紧随其后，再带一个贯穿整个音节的声调，便有了鲜明的音节界限。从音素分析的角度观察，辅音和元音互相间隔而有规律地出现，给人周而复始的感觉，因而极便于切分音节。

2. Бўғинлар чегараси аниқ, маълум ритмга эга. Путунгхуада бўғинлар одатда шенгму, юнму, оҳанг каби уч унсурдан ташкил топади. Бўғиннинг биринчи қисми шенгму, иккинчи қисми юнму ва бўғинга хос оҳанг турининг мавжудлиги бўғин чегарасини янада аниқ кўрсатиб туради.

3. 声调抑扬顿挫，富有表达性。普通话声调变化高低分明，高、扬、转、降区分明显，能够较强的表达一个人的情感。

3. Оҳанглар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бой ифода хусусиятига эга. Путунгхуадаги оҳанглар ўзгариши қуйидаги шаклларга эга: баланд, баландлашиш, ўзгарувчан, пастлаш.

Ҳозирги замон стандарт хитой тилининг талаффуз асослари пекин шевасининг фонетик сестимасига таянилган ҳолда яратилган, аммо, турли ҳудудларда стандартдан фарқланувчи ва истисно ҳолатлар мавжуд. Хитой тилида бўғин талаффузи шенгму (声母), юнтоу (韵头), юнфу (韵腹), юнвей (韵尾) ва шенгдяо (声调) каби бешта қисмдан иборат бўлади. Шенгму — бўғиннинг бош ундош товуши; юнтоу — воситачи товуш, юнфу — оҳангланувчи асосий унли товуш; юнвей — юнмунинг сўнгги товуши; шенгдиао — бўғин оҳанги. Юнтоу, юнфу, юнвей ўзаро бириккан ҳолда яхлит юнму, деб аталади. Хитой 20-асрнинг биринчи чорагига қадар иероглифларга транскрепция беришнинг анъавий усулларида фойдаланиб келди. 1926 йилга келиб, Чян Шуантонг (钱玄同), Ли Жинсэ (黎锦熙), Жао Юанжен (赵元任)лар томонидан рим ёзувига асосланган “Давлат тилининг рим алфавити” (“国语罗马字”) ишлаб чиқилди ва 1928 йилда Нанжинг университети янги алфавитни расмий равишда кенг жамоатчиликка эълон қилди. Унинг давоми сифатида 1931 йилда Чюй Чюбай (瞿秋白), У Юйжанг (吴玉章) кабилар томонидан лотин ёзувига асосланган янги

алфавит ишлаб чиқилади. Лотин ёзувида асосланган янги алфавит ва рим ёзуви асосидаги алфавитлар хитой ёзувига транскрипция беришининг энг содда ва самарали усулларига айланади. Ҳозирги пайтда путунгхуада иероглифларга транскрипция беришда лотин ёзувига асосланган алифбодан фойдаланиб келинади.

- 依据注音符号的标音系统，其声韵系统共有 21 个声母、3 个介母、13 个韵母及不含轻声的四个声调。
- 依据汉语拼音的标音系统，其声韵系统共有 23 个声母（计入 y、w 两个半元音）、39 个韵母（略同于注音符号中所有独用与结合韵母）和不含轻声的 4 个声调。
- Транскрипция белгиларининг товуш белгилари системасида биноан жами 21 та шенгму, 3 та воситачи товуш, 13 та юнму ва енгил оҳангни ҳисобга олмаганда 4 та оҳанг мавжуд.
- Хитой тили фонетик транскрипциясининг товуш белгилари системасида жами 23 та шенгму (“y” ва “w” ярим унли товушлар ҳам киритилади), 39 та юнму ва енгил оҳангни ҳисобга олмаганда 4 та оҳанг мавжуд⁴⁸.

Шенгмулар

Шенгму жадвали									
	双唇音 Лаб-лаб товушлар		唇 齿 音 Лаб- тиш тову шлар	齿龈音 Тил олди товушлар		卷舌音 Титроқ товуш ва тил қайирувчи товушлар		龈 颚 音 Тил ўрта товуш лар	软 颚 音 Тил орқа товуш лар
	清 音 жара	浊音 жар	清 音 жара	清 音 жаран	浊音 жаран	清 音 жарангс	浊音 жаран	清音 жаран	清 音 жаран

⁴⁸ <http://baike.baidu.com/view/294730.htm>

		НГСИЗ	англ и	НГСИЗ	ГСИЗ	ГЛИ	ИЗ	ГЛИ	ГСИЗ	ГСИЗ
鼻音 Соно р товуш						/n/ ㄋ n				
塞音 по ртл овч и	不 送 气 По ртл ам овч и	/p/ ㄅ b			/t/ ㄊ d					/k/ ㄎ g
	送 气 По ртл овч и	/p ^h / ㄆ p			/t ^h / ㄊ t					/k ^h / ㄎ k
塞擦音 По ртл овч и- сир ғал увч и	不 送 气 по ртл ам овч и				/ts/ ㄘ z		/tɕ / ㄘ zh		/tɕ/ ㄘ j	
	送 气 по ртл овч и				/ts ^h / ㄘ c		/tɕ ^h / ㄘ ch		/tɕ ^h / ㄘ q	
擦音 сирғалу в чи				/f/ ㄈ f	/s/ ㄘ s		/ʃ / ㄈ sh	/z / ㄈ r	/ɕ / ㄈ x	/x/ ㄈ h

边 音 ён					/l/				
товуш					ㄌ				

Юнму⁴⁹

Юнмулар жадвали																								
	唇音 лаб-лаб товушлар				舌尖音 тил у чи товушлар и				舌根音 ти л орқа тов ушлар				舌面音 ти л ўрта тов ушлар				卷舌音 тил б уралиш тову шлари				舌齿音 ти л олди то вушлари			
国际 音标 х алқа ро с танд арт	[p]	[p _h]	[m]	[f]	[t]	[t _h]	[n]	[l]	[k]	[k _h]	[x]	[tɕ]	[tɕ _h]	[ɕ]	[tʂ]	[tʂ _h]	[ʂ]	[ʐ / ɹ̥]	[tʃ]	[tʃ _h]	[s]			
注 音 符 号 Тра нсск реп ция белг ила ри	ㄅ	ㄆ	ㄇ	ㄈ	ㄊ	ㄊ	ㄋ	ㄌ	ㄍ	ㄎ	ㄏ	ㄘ	ㄘ	ㄙ	ㄗ	ㄗ	ㄒ	ㄓ	ㄗ	ㄗ	ㄟ			
汉语 拼音 Хит	b	p	m	F	d	t	n	L	g	k	h	j	q	x	z h	c h	s h	r	Z	c	S			

⁴⁹ <http://baike.baidu.com/view/294730.htm>

ой т или пин йин и																				
--------------------------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Унлилар

Ҳозирги замон хитой тилининг унли товушлари қуйидагилардан иборат⁵⁰ :

不圓唇元音 лабланмаган унлилар		
	前元音 олд қатор унлилар	后元音 орқа қатор унлилар
闭元音 Юқори тор унлилар	/i/([i]) — i	/ɨ /([z□ ~ □□]) □-i
中元音 Ўрта кенг унлилар	/e/([e ~ ε ~ œ]) ㄜ ê	/ə/([ə ~ ɤ ~ ʌ]) ㄝ e
开元音 Қуйи кенг унлилар	/a/([a ~ ǣ ~ ɑ]) ㄚ a	

圓唇元音 лабланган унлилар		
	前元音 олд қатор унлилар	后元音 орқа қатор унлилар
闭元音 Юқори тор унлилар	/y/([y]) ㄩ ü	/u/([u ~ u]) ㄨ u
中元音 Қуйи кенг унлилар		/o/([o ~ ɔ]) ㄛ o

Янги давр хитой тилида воситачи товушга асосан юнмулар тўртта турга ажратилган ва *sihu*, деб номланган. Ҳозирги замон хитой тилида юнмулар юқоридаги жадвалда кўрсатилган еттита унли (/a/, /o/, /ə/, /e/, /i/, /u/, /y/) ва иккита сонор товушларнинг ([n], [ŋ]) ўзаро бирикувидан ташкил топади. Улар орасида фақатгина битта унли ёки бир унли билан бирга келган сонор товуш ҳолатида унли товуш юнфу яъни, оҳангланувчи товуш,

⁵⁰ <http://baike.baidu.com/view/294730.htm>

бўғин сўнггида келган сонор товуш эса юнвей яъни, сўнгги товуш, деб номланади. Икки унлидан ташкил топган юнмуда оҳанг олган товуш юнфу, юнфудан олдин келган унли товуш юнтоу яъни, воситачи товуш, юнфудан кейин келган унли товуш эса юнвейдир. Аган юнму уч унлидан ёки икки унли ва бир сонор товушдан ташкио топганда ўртадаги унли товуш юнфу, биринчи унли товуш юнтоу, юнфудан кейин жойлашган унли ёки сонор товуш юнвей ҳисобланади⁵¹.

现代标准汉语使用到的韵母组合表列如下：

Ҳозирги замон хитой тилида фойдаланиладиган юнмулар бирикуви куйидагича⁵²:

Юнмулар жадвали																
	开口呼 (无介音) Кайкоуху (воситачи товуш бўлмайди)				齐齿呼 (介音[i]) жэчиху (воситачи товуш [i])				合口呼 (介音[u]) хикоху (воситачи товуш [u])				撮口呼 (介音[y]) цуокоуху (воситачи товуш [y])			
	国际音标	注音符号	汉语拼音	范例	国际音标	注音符号	汉语拼音	范例	国际音标	注音符号	汉语拼音	范例	国际音标	注音符号	汉语拼音	范例
单元音	[i]	□	-i		[i]	一	I	衣	[u]	×	u	乌	[y]	ㄣ	Ü	迂
	[ä]	Y	a	啊	[iä]	一Y	Ia	呀	[uä]	×Y	ua	蛙				
	[ɤ]/[ɔ]	ㄛ	o	喔	[iɤ]/[iɔ]	一ㄛ	Io	唷*	[uɤ]/[uɔ]	×ㄛ	u o	窝				

⁵¹ 《话说推普》[话题六] 新中国的推广普通话工作 (袁钟瑞) . 中国语言文字网 [引用日期 2013-12-18] .

⁵² <http://baike.baidu.com/view/294730.htm>

韵母	[ɤ]/ □□]	ㄗ	e	鹅*												
	[ɛ]	ㄗ	ê	诶	[iɛ]	一 ㄗ	Iê	耶					[y æ □]	ㄥ ㄗ	üê	约
	[əɿ]/ [aɿ]]	ㄥ	e r	儿												
复元音韵母	[ai]	ㄞ	ai	哀	[iai]	一 ㄞ	Ia i	崖*	[uäi]	ㄨ ㄞ	ua i	歪				
	[ei]	ㄟ	ei	诶					[uei]/ [uəi]	ㄨ ㄟ	ui	威				
	[aʊ]	ㄠ	A o	熬	[iaʊ]	一 ㄠ	Ia o	腰								
	[ɤʊ]	ㄡ	o u	欧	[iɤʊ]/[i□□ ʊ]/[iəʊ]	一 ㄡ	Iu	优								
带鼻音韵母	[än]	ㄢ	a n	安	[iɛ n]	一 ㄢ	Ia n	烟	[uän]	ㄨ ㄢ	ua n	弯	[y ɛ n]	ㄥ ㄢ	üa n	冤
	[ən]	ㄣ	e n	恩	[in]/[iïñ]/[iɾ n]	一 ㄣ	In	因	[uən]	ㄨ ㄣ	u n	温	[yn]	ㄥ ㄣ	ü n	晕
	[aŋ]	ㄤ	a n g	昂	[iaŋ]	一 ㄤ	Ia n g	央	[uaŋ]	ㄨ ㄤ	ua n g	汪				
	[ɤŋ]	ㄥ	e n g	亨的韵母	[iŋ]/[i□□ŋ]/[i ɤŋ]/[iəŋ]	一 ㄥ	In g	英	[uɤŋ]	ㄨ ㄥ	ue n g	翁	[y ʊ ŋ]/ [iʊ ŋ]	ㄥ ㄥ	io n g	庸
									[ʊŋ]		o n g	轰的韵母				

注释：Изох:

1. “知、蚩、诗、日、资、雌、思”等字的韵母称为“空韵”。注音符号以单独的ㄓ、ㄔ、ㄕ、ㄖ、ㄗ、ㄘ、ㄙ表示发音。

1. “知、蚩、诗、日、资、雌、思” каби иероглифларнинг юнмуси “空韵” яъни, “очик бўғин”, деб номланади ва бўғиннинг транскрипция белгиси фақат бир белги билан ифодаланади: zhi — ㄓ, chi — ㄔ, shi — ㄕ, ri — ㄖ, zi — ㄗ, ci — ㄘ, si — ㄙ.

2. 北方腔调的现代标准汉语有儿化韵，注音符号会将“儿”字独立标音为儿；汉语拼音作为韵尾的时候写成 r 且与前一字组成一个音节。

2. Шимолий шеваларга хос бўлган “арлашган юнму” ҳозирги замон стандарт хитой тили яъни, путунгхуадан ҳам мавжуд. “儿” (ar)нинг транскрипция белгиси “儿” белгиси оркали ифодаланади. Хитой тили пинйинида эса бўғин охирида келганда “r” ҳарфи билан ифодаланади ва ўзидан олдинги товушни битта бўғинга айлантиради.

3. 汉语拼音将注音的一又、ㄨㄟ、ㄨㄣ等韵母写成 iu、ui、un，实际上为 iou、uei、uen 的缩写；例如：牛 niú、归 guī、论 lùn。

3. Хитой тили пинйинида 一又、ㄨㄟ、ㄨㄣ каби транскрипция белгилари iu, ui, un тарзида ифодаланади, аслида эса iou, uei, uen шаклида ёзилиши керак. Масалан: 牛 niú, 归 guī, 论 lùn.

4. 一ㄣ (崖)、一ㄣ (唷) 韵字少；中国大陆将一ㄣ并入一ㄣ ia 而不用，台湾仍继续使用。

4. 一 ㄟ iai (崖) , ㄟ io (唷) каби бўғинли иероглифлар кам учрайди.

Континентал Хитойда 一 ㄟ iai бўғинидан фойдаланилмайди (ҳозирги кунда ia кўринишига ўтказилган), Тайванда эса шу пайтга қадар ишлатилиб келинади.

单字声调

Бўғин оҳанги

现代标准汉语中，因此除轻声外共有四个声调：

Путунгхуада енгил оҳангни ҳисобга олмаганда жами тўртта оҳанг мавжуд⁵³:

调序 Оҳан г рақ ами	调名 Оҳа нг н оми	调值 оҳа нг талаф фузи	注音符 号调号 транскр ипцияд а оҳанг белгиси	汉语拼 音调号 пингйи нда оҳа нг белг иси	备注 Изоҳ
1	阴平	□ □ 55	Йўк	—	
2	阳平	□ □ 35	‘	‘	
3	上声	□ □ □ 214	ˇ	ˇ	调值 214 为全上声，21 为半上声。台湾的国语多半为 21。214 тўлиқ 3-оҳангга хос, 21 ярим 3-оҳангга хос. Тайван давлат тилида одатда ярим 3- оҳангдан фойдаланади.
4	去声	□ □ 51	`	`	

⁵³ <http://baike.baidu.com/view/294730.htm>

Ҳозирги замон стандарт хитой тилида сўз талаффуз қилинаётган пайтда маълум ўзгаришлар рўй беради. Масалан, оҳангларнинг ўзгариши, енгил оҳангш, “ар”лашиш.

Оҳанг ўзгариши Ҳозирги замон стандарт хитой тилида айрим ҳолатларида талаффуз пайтида, сўз ёки сўзлар бирикуви натижасида оҳанг ўзгариши юзага келади. Оҳангт ўзгариши одатда қуйидаги вазиятларда юзага келади:

Учинчи оҳангнинг ўзгариши

- Агар учинчи оҳангли бўғиндан сўнг учинчи оҳанг келмаса ва учинчи оҳангдан сўнг биринси, иккинчи, учинчи ёки енгил оҳангли бўғин билан боғланса, учинчи оҳангли бўғин гап охирида бўлмаса, оҳангни кучайтирилган ҳолатда талаффуз қилиш шарти бўлмаса, ярим учинчи оҳанг 21 да талаффуз қилинади.
- Иккита учинчи оҳангга хос бўғинларни ўзаро боғлаб талаффуз қилаётганда, биринчи бўғиннинг оҳангги иккинчи оҳангга яқин талаффуз қилинади.
- Учта учинчи англи бўғинлар кетма-кет келган ҳолат бир оз мураккаб бўлиб, аниқ ҳолатда таҳлили этишни талаб қилади.
 - Дастлабки икки бўғин бир сўз тпаркибида бўлса ва учинчи бўғин алоҳида келганда, дастлабки икки бўғиннинг иккаласида ҳам оҳанг ўзгаради. Масалан, “保管好” талаффузда иккинчи, иккинчи, учинчи оҳанг тарзида ўқилади.
 - Биринчи бўғин алоҳида сўз бўлса, кейинги икки бўғин бир сўз таркибида бўлса, биринчи бўғин оҳангги 21 га ўзгаради ва иккинчи бўғин иккинчи оҳангга, учинчи бўғин ўзгаришсиз қолади. Масалан, “总保管” талаффуз қилинаётганда ярим учинчи оҳанг, иккинчи оҳанг, учинчи оҳанг кўринишига эга бўлади⁵⁴.

⁵⁴ 说好普通话的技巧 . 现代青年论坛 [引用日期 2014-07-16] .

“一” ва “不”нинг оҳанг ўзгариши

- Тўртинчи оҳангли бўғиндан олдин келганда “一” иккинчи оҳангга ўзгаради.
- Тўртинчи оҳанг бўлмаган бошқа бўғинлар олдидан келганда “一” тўртинчи оҳангга ўзгаради. Масалан, “一天”、“一年”、“一起”.
- Сўзлар орасида ишлатилганда “一” енгил оҳангда талаффуз қилинади. Аммо, рақамни ифодалаганда ва бошқа ҳолатларда “一” ўзининг асл биринчи оҳангида талаффуз қилинади.
- “不” фақатгина тўртинчи оҳангли бўғинлардан олдингина иккинчи оҳангга ўзгаради. Масалан, “握不握得住？” бу ерда “不” иккинчи оҳангда талаффуз қилинади. Сўзлар орасида ишлатилганда “不” енгил оҳангда талаффуз қилинади⁵⁵.

“七” ва “八”нинг оҳанг ўзгариши

Ҳозирги замон стандарт хитой тилида “七” ва “八” сўзлари тўртинчи оҳангга хос бўғинлардан олдин келганда иккинчи оҳангга ўзгаради. Бирок вақт ўтиши ва замоннинг ўзгаришига мувофиқ ёш авлод орасида оҳангларни ўзгартириб талаффуз қилувчилар сони кескин камайди. Континентал Хитойда 2005 йилда нашр этилган 《现代汉语词典》 (《Ҳозирги замон хитой тили луғати》)нинг 5-нашрида “七” ва “八” билан боғлиқ оҳанг ўзгаришлари қисми аллақачон олиб ташланган. Аммо, ҳозирги замон хитой тилига оид кўпгина китобларда сақланиб қолганлигини кўриш мумкин. Хитой жамиятидаги ҳозирги ёш авлод

⁵⁵ 教育部等九部门关于开展第17届全国推广普通话宣传周活动的通知 . 网易 [引用日期 2014-10-25] .

тўртинчи оҳангли бўғиндан олдин иккинчи оҳангни камдан-кам ҳолатларда қўллашмоқда. Таъкидланишича, иккинчи оҳангга ўзгариш ҳодисаси Хитойнинг Шимолий-шарқий шеваларининг рамзи ҳисобланади⁵⁶.

Иккинчи боб бўйича хулоса

ХХРнинг сиёсати путунгхуани тарқатиш ва шеваларни қўлланилиш доирасини аста-секинлик билан қисқартириш йўли орқали ягона миллий хитой тилини яратишга йўналтирилган. Путунгхуани умумдавлат миқёсида ёйиш ишлари 1955-1956 йилларда бошланди. ХХР маориф вазирлиги 1955 йил 17 ноябрда путунгхуани ўрта мактаб ва педагогик билим юртларга киритиш ҳақида буйруқ берди.

1956 йили 10 февралда путунгхуани тарқатиш бўйича марказий мувофиқлаштирувчи қўмита ташкил қилинди. Путунгхуани кенг ёйиш вазифасини ҳал қилишда асосий аҳамият уни ўрганишга қаратилган, бунинг учун путунгхуада дарс берувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курслар фаолият кўрсата бошлади. Бу ишлар 1956 йилдан бошлаб йўлга қўйилди. Оммавий Ахборот Воситалари ёрдамида путунгхуани оммалаштириш, ёйиш ишлари ҳам кенг йўлга қўйилган. 1979 йилга келиб йирик ишлаб чиқариш жамоаларининг 93%, майдаларини 83% радио билан таъминланган. Эшиттиришларнинг асосий қисми путунгхуада олиб борилади. Путунгхуани мамлакат бўйича оммалаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни хитой тилшуносларининг фикрича “шева ҳудудларида путунгхуани тарқалишини қониқарли деб бўлмайди”. Аммо ислохотлар даврига келиб жойларда ҳам путунгхуани ўрганишга бўлган муносабат тубдан ўзгармоқда. Кейинги йилларда кам сонли миллатлар яшайдиган ҳудудлардаги ёшларни мамлакатни марказий шаҳарларида, ҳукумат томонидан очилган махсус мактабларда, путунгхуада ўқитиш ва шу йўл билан жамиятда путунгхуани

⁵⁶ 说好普通话的技巧 . 现代青年论坛 [引用日期 2014-07-16] .

ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда (бу ҳақида кейинги бобга қаранг.). Мамалакатда Путунгхуани кенг ёйиш ҳаракатини муҳим йўналиш масаласи – бу унинг меъёрлаштириш масаласи, яъни орфоэпик, лексик ва грамматик меъёрларни ишлаб чиқиш зарурати билан боғлиқ.

Путунгхуани оммалаштириш ҳаракати ўзини пайдо бўлишиданок хитой иероглифик ёзуви ислохотлари билан бевосита боғлиқ. Бутун давлат бўйича ягона миллий тилни яратиш ва уни тарқатиш вазифаси “Хитой ёзувини ислоҳ қилиш учун” ҳаракати олдида миллий талаффузни ёзиб олиш воситаси ва уни ўрганиш асоси сифатида фонетик алфавитни яратиш заруриятини вужудга келтирди. 1954 йили ХХР давлат кенгаши қошида “ёзув ислохоти қўмитаси” ташкил этилди. У 1956 йил январида умумий муҳокама учун лотин графикаси асосида хитой фонетик алфавит лойиҳасини наشر этди⁵⁷.

1958 йили (11 феврал) Пекинда Умумхитой кенгаши халқ вакилларини 5-сессиясида янги Хитой фонетик алфавити (пиньин цзыму) қабул қилинди. Хитой фонетик алфавити ёзувни мустақил тизими эмас, бу транскрипцион алфавит путунгхуа талаффузи меъёрлари асосида иероглифлар талаффузини ёзувда акс эттириш учун мўлжалланган. Пиньин цзыму мактаб таълимига жорий этилди, у ўқувчилар танишадиган ёзувнинг илк тизими. Пиньин цзыму ўрганилгандан кейин хитой иероглификаси киритилади, унинг ҳажми бошланғич мактабларни битирувчилари учун 2800-3000 белгидир. Бу етарли иероглифик минимум (қиёслаш учун: оддий типография 2500-3500 иероглифларга эга)⁵⁸.

Пиньин цзымуни оммалаштириш учун “хитой ёзуви ислохоти бўйича қўмита” рисоалар чиқарди. Пиньин цзымунинг ўзига хос хусусияти унинг кам сонли миллатлар орасида кенг оммалашувини йўлга

⁵⁷ Сердюченко Г.П. К вопросу о квалификации народов и языков Китая. Советское востоковедение 1957. №4.

⁵⁸ О реформе китайской письменности (сборник материалов) Изд-во литературы на иностранных языках Пекин 1958.

қўйилаётганлигидир. Масалан, айрим йўқолиб бораётган ёки йўқолиш босқичида турган кам сонли миллатлар тилини пинъин асосида тиклаш масаласига бугунги кунга келиб кенг аҳамият қаратила бошланди. Ички мўғилистон ва Хэй лунцзянда ўрта мактаб таълимининг қуйи ва юқори босқичларида хитой тили фонетик транскрипцияда ўрганилади.¹

Путунгхуа ва шевалар. Хитой иккита асосий шева ҳудудига бўлинади: шимолий шева ҳудуди ва жанубий шева ҳудуди. Хитой тили тарқалиш ҳудудининг $\frac{2}{3}$ қисмини ташкил қиладиган шимолий шева ҳудудида Хитой аҳолисининг 70% истиқомат қилади.¹

Пекин марказий шева ҳисобланади. Шимолий шевалар ўртасидаги фонетик, грамматик ва лексик фарқлар ўзаро мулоқот учун тўсқинлик қилмайди. Ҳудудий–географик омиллар сабаб ўзаро мулоқот жараёнида бир – бирини тушиниш мураккаблашади.

Путунгхуанинг шевалардан фарқли томони қуйдагиларда намаён бўлади. – путунгхуа миллий хитой тили сифатида ўз ичига шимолий шеваларни умумлаштиради. 2) умумий ишлатиладиган қадимги тил унсурларини ўз ичига олади ва қадимги хитой тили лексикасида учрайдиган тушунча ва атамаларни трансформациялашув жараёнларига фаол иштирок этади².

3) Путунгхуа асосида кенг илмий *техник терминлар* яратилмоқда. Путунгхуа умуммиллий тил сифатида шеваларга таъсир қилади. Бу ҳолат Шеваларда мавжуд оҳанг тизимини соддалашувига, шевалар лексикасини путунгхуадан ўзлаштириш орқали бойишда намоён бўлади.

4) Ўтган 10 йиллар ичида рўзнома, ойнома, драматургия, кино каби ёзма тил шакллари кенг ривожланиши туфайли давлатни турли бурчакларида шимолий шевани бошқа шеваларга таъсири кучайди. Ёзма адабий тил орқали путунгхуага бошқа шеваларни тил унсурлари ҳам кириб

¹ Национальности Китая. Справочник, Пекин.- 2003.

¹ http://ru.wikipedia.org/wiki/северные_диалекты

² Москалёв А.А. «О политике КНР в национально–языковом вопросе//проблемы Дальнего востока» №3. - 1978.

келди. Ёзма ва оғзаки шаклдаги путунгхуа умумдавлат мулоқот воситасидир. Ёзма шаклдаги путунгхуа (байхуа) ҳар доим бадиий адабиётларда, Оммавий Ахборот Воситаларида, илмий матнлар, юридик ва расмий ҳужжатларда қўлланилади. Оғзаки шаклда эса путунгхуа – турли шевада гаплашувчилар йиғилган (армия, ишлаб чиқариш соҳаси) жойларда мулоқот воситасидир.

Шевалар кундалик–маиший мулоқотда ишлатилади. Хитойликлар кундалик ҳаётда, оилада, кўча-куйда маълумоти қандай бўлишидан қатъий назар ўзлари яшаётган ҳудуд шевасида гаплашадилар. Жойларда маҳаллий радио ва телевидение ўз эшиттиришларини шевада олиб боради. Назаримизда масаланинг мазкур жиҳатларини тарихан Хитойда шева тилларининг ўзини узоқ асрлар сақлаб қолишдаги асосий сабаблари сифатида қараш мумкин.

III боб Путунгхуанинг миллий автоном районларида жорийланиши ва унинг сабаблари

3.1. Мамлакатда Путунгхуага ўтишнинг мақсад ва вазифалари

Путунгхуани текис ривожланишида нафақат шевалар, балки жойларда (кам сонли миллатлар яшайдиган ўлкалар)даги тил вазияти ҳам ўз таъсирини ўтказувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Ва буни қуйдаги омиллар билан боғлаш мумкин.

Биринчидан, ХХРнинг таркибига кирувчи айрим кам сонли миллатларнинг давлатчилик нуқтаи назаридан ўз тарихига эга бўлганлиги;

Иккинчидан, кам сонли миллатларнинг ҳозиргача ўз миллий урф-одатлари билан боғлиқ анъана ва миллий қадриятларини сақлаб қолишга бўлаётган интилишлари; *Учинчидан*, уларни мамлакат ижтимоий тил сиёсати билан боғлиқ кечаётган миллий онг ва тафаккурдаги ўзгаришлар масаласи.

Жойларда Путунгхуани оммалаштириш тил сиёсати моҳиятида масаланинг айнан мазкур томонлари ижтимоий мазмун касб этмоқда. Бизнингча юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар кам сонли миллатлар яшайдиган ва мамлакат марказий провинцияларида мавжуд кўп тиллилик

масаласи мамлакатда путунгхуани кенг ташивикот қилишига ижобий ёки салбий таъсирини ўтказувчи асосий омил ҳисобланади. Шундай экан, ХХР марказий ҳукумати унинг билан боғлиқ қуйидаги жиҳатларга аҳамият қаратмоқда.

Биринчидан, марказ ва маҳаллий ҳукумат кам сонли миллатлар яшайдиган Миллий автоном районлар ва кўп миллатли провинциялар ижтимоий–иқтисодий ҳаётини яхшилаш, конституцион ҳақ ҳуқуқларини ҳам амалда таъминлаш; *Иккинчидан*, марказий ҳукумат мамлакатнинг барча ҳудудларида Путунгхуани оммалаштириш йўлида кам сонли миллатлар тарихи ва тилини ривожлантиришда барча чораларни кўриш, яъни мазкур ўринда 1984 йилда “миллий автономия райони”⁵⁹ ҳақида қабул қилинган низом ижросига тўлиқ амал қилишни кўзда тутди. *Учинчидан*, кам сонли миллатлар ичидан кадрларни тайёрлаш раёсатига жиддий аҳамият қаратади. Бизнингча, масаланинг мазкур жиҳатлари ижобий ечимини топган тақдирда тил сифатида Путунгхуанинг жойлардаги ижроси ўзининг тўғри ечимини топади. ***Мамлакатда саводсизликка барҳам беришнинг чора тадбирлари.*** 90-йиллар бошларига келиб ХХР умумий аҳолисининг 21 ёшдан ошганлар орасида саводсизлик даражаси 240 млн. кишини ташкил этган⁶⁰ ХХРда саводсизлик масаласи кам сонли миллатлар ичида янада жиддий. Масаланинг ушбу жиҳатларига жиддий эътибор қаратаётган марказий ҳукумат кам сонли миллатлар учун марказ ва жойларда путунгхуани ўқитишга асосланган бошланғич ва ўрта мактаблар, олий таълим муассасалари қошида тил билан боғлиқ таълим курсларини ташкил этган.

Бу ҳаракат фақат миллий автоном ва провинциялар доирасида эмас, балки мамлакатнинг энг ривожланган шаҳарларида ҳам йўлга қўйилган. Масалан, 2000 йилларда Нанкин шаҳрида 80-ихтисослаштирилган мактаб мавжуд бўлиб, у мактаб асосан ШинЖянг - уйғур миллий автоном райони

⁵⁹ Национальности Китая – 2014. - Стр.35-60.

⁶⁰ Медведев Р.А. Китай в политике СССР и США // Народы Азии и Африки, 1990 г. - Стр.59.

балоғат ёшларини таҳсил олишига ихтисослаштирилган. Уларни ўқиши ва яшаш харажатлари ҳукумат томонидан таъминланган, уларнинг битиргандан кейинги таълим ва иш фаолияти давлат томонидан ажратилган грант асосида йўналтирилади. Ушбу мактабга ҳар йили 80 та ўқувчи қабул қилинади, ўқиш муддати уч йил, таълим каттиқ назорат остида олиб борилади. Бундай турдаги мактаблар Нанкиндан ташқари, Пекин, Шанхай, Тяньцзин каби йирик шаҳарларда ҳам фаолият кўрсатади.

XXРда кам сонли миллатлар бўйича миллий мутахассис кадрларни тайёрлашда 13 та олий ўқув юртлари ташкил этилган. Кам сонли миллатлар учун олий ўқув юртларига киришнинг қуйдаги мезонлари амал қилинади:

Биринчидан; Олий ўқув юртларига кириш учун кам сонли миллатлар ёшлари путунгхуада эркин сўзлаша олиши қатъий белгиланган. *Иккинчидан;* Путунгхуада ўқиши, ёза олиши белгилаб қўйилган. *Учинчидан;* Марказий ҳукумат томонидан кам сонли миллатлар учун мутахассисликларга қараб синов имтихонлари жорий қилинган ва унга асосан олий ўқув юртларига қабул қилиш тизими йўлга қўйилган⁶¹.

Мамлакатда саводхонлик масаласи. Шу йиллар ичида миллий автоном районларда 83726 та ўқув таълим муассасалари фаолият кўрсатган. Ўтган йиллар давомида уларда 29.43 минг киши таълим олган. Бу кўрсаткич 1952 йилга қараганда 6 баробар, 1984 йилга нисбатан 10%, 1994 йилга нисбатан 7% га кўп. 2005 йилга келиб 2500 киши 2007 йилда эса 5000 киши ушбу тизим асосида магистратура ва докторантурага қабул қилинган. Саводхонлик даражасини аниқлаш эса асосан путунгхуани қай даражада ўзлаштирганлиги билан белгиланади.

Мамлакатда икки тиллик масаласи. Жойларда давлат тилига оид расмий ҳужжатлар: фармон ва қарор матнлари икки, яъни ҳам путунгхуада, ҳам кам сонли миллатлар тилида олиб борилади. Марказий ҳукумат икки тиллик масаласида сўнгги пайтларда кам сонли миллатлар яшайдиган чорвачиликка ихтисослаштирилган районлар; хўжалик ишлаб чиқариш

⁶¹ Национальный состав «Энциклопедия нового Китая» 1989.

тармоқлари паст ривожланган тоғли районлар; аҳоли тарқоқ яшайдиган жойларда путунгхуани оммалаштириш ҳолатига жиддий эътибор қаратмоқда. Бундай жойларда кўчма интернат мактаблари (бошланғич ва ўрта мактаблар учун) ташкил этилган. Асосий мақсад у жойларда путунгхуани тил сифатида самарали кириб боришини таъминлаш кўзда тутилади.

Шунга кўра чорвачиликка ихтисослашган миллий районларида 3 йиллик, қишлоқ жойларида 6 йиллик, шаҳар типидagi қишлоқлар, шунингдек, марказ ва шаҳарларда 9 йиллик мажбурий таълим йўлга қўйилди. Масалан, Тибетда 820 та бошланғич, 101 та ўрта мактаб, 16 та техникум ва 4 та олий ўқув юртлари мавжуд⁶².

Кўп йиллик тажрибалардан келиб чиқиб кам сонли миллатлар яшайдиган ҳудудлардаги таълим муассасаларида тил ўқитишнинг *уч хил* шаклига амал қилинмоқда.

1. Дарсларни миллий тил ва путунгхуада олиб бориш.
2. Дарсларни маҳаллий тил ва путунгхуада олиб бориш.

3. Дарсларни маҳаллий тилларда олиб борган ҳолда босқичма-босқич путунгхуага ўтиш ва шу орқали кўзланган мақсадни амалга ошириш.

Миллий автоном районларда мактаб ёшлари учун маҳаллий тилларда ўқув қўлланмаларини яратиш, нашрга тайёрлаш, чоп этиш, жойларда ўқув қўлланмалар сифатини яхшилаш мақсадида маориф вазирлиги томонидан миллий тилларда ўқув қўлланмалар чоп этувчи провинциялараро марказ ташкил этилган.

Икки тиллик ўқитишнинг моҳияти ва мазмунида қуйидаги хусусиятлар эътиборга олинади:

- жой шарт-шароитлари;
- тиллар ва ёзувларнинг ҳар хиллиги.

⁶² Национальности Китая, 2003.

Асосан бундай вазиятда путунгхуа ва маҳаллий тиллардан қайси бири доминант бўлса ўша тил амалда асосий ҳисобланади. Бунда шак-шубҳасиз давлат тили – путунгхуа етакчилик қилади.

Баъзи миллий автоном районларда ички хусусиятларидан келиб чиқиб дарсларни путунгхуа ёки маҳаллий тиллардан бирида олиб бориш, ўқитиш муддатлари билан боғлиқ вақт масаласи жойларнинг ўзида ҳал қилинади, аммо марказлашган назорат остида бўлади.

3.2. ХХРда кам сонли миллатларни билингвистик таълимда ўқитишнинг мақсад ва вазифалари

Кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш ва чет элликларга хитой тилини ўргатиш, иккаласи ҳам она тилиси хитой тили бўлмаганларга хитой тилини ўргатиш ҳисобланади. Тилни ўргатиш қонун – қоидалари ва ўзига хосликларидан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, ўқитишда айрим умумийлик томонлари борлиги кўзга ташланади. Хитой тилини ўрганаётган кам сонли миллат вакили учун ҳам, хитой тилини ўрганаётган чет эллик учун ҳам тилни ўзлаштиришдаги бирламчи масала *тил элементларини ўзлаштиришдан* бошланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзга бир тилни ўрганиш ёки ўқитишдаги вазиятда *тил психологияси* билан боғлиқ руҳий омиллар таъсири остида кечади (Хитой тили маданияти билан боғлиқ тил омилларининг ўрганувчига таъсири.). Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам тилни ўқитиш ва ўрганиш меъёрлари ҳурмат қилиниши керак. Шунинг учун чет тилини ўқитишдаги қандайдир текширув ва изланишларининг натижаси кам сонли миллатларнинг хитой тилини ўрганишидаги натижалар билан мос тушади.

Чет элликларга хитой тилини ўргатиш бир чет тилини ўргатишдир, кам сонли миллат вакили учун хитой тилини ўргатиш эса давлат ичида муомала тили ҳисобланган, кўп қўлланиладиган тилни (давлат тили) ўргатишдир. Бу ўринда ўқиш *мақсад* ва *вазифалар* бир хил эмаслиги кўзга яққол ташланади. Шунингдек, ўқитиш тизими, методлари ҳам тубдан фарқ

қилади. Кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш ва чет элликларга хитой тилини ўргатишнинг фарқли жиҳатлари қуйида келтирилган.

Тилни ўрганишдаги фарқли хусусиятлар. Кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатишда ўша миллат учун асосий объект – бу муҳит масаласи билан таснифланади. Мамлакатда билингвистик таълимни амалга қўйишдан мақсад икки тилни мукаммал эгаллаган комил инсонни тарбиялашдан иборат. Чет элликларга хитой тилини ўргатиш эса бир чет тилини ўқитиш, ўрганувчи учун эса энг муҳими мутахассис бўлиш.

Хитой кўп тилли давлат бўлгани ҳолда тарихан ўз аломатларига эга. Хитойда тарихан яшаб келаётган кам сонли миллатлар ўз она тилига эга бўлгани ҳолда ёзувига эга эмас. Масаланинг ушбу томонларини ҳисобга олган ҳукумат раҳбарлари ўз ёзувига эга бўлмаган кам сонли миллатларга янги ёзув тузишда ёрдам бермоқда. Кам сонли миллатларининг кўпчилик қисми тарқоқ ва камчилик қисми уюшган ҳолда яшайди. Бундай ўзига хос яшаш шароитига эга бўлган кам сонли миллатлар тилининг қўлланилишида маълум меъёрларга амал қилади (бу меъёр у ёки бу миллатга хос бўлган тилининг қўлланилишидаги чегара ва тилни сақлаб қолиш).

Жануб томонлардаги ёзувга эга бўлмаган кам сонли миллатлар тили ҳақида гап кетганда хитой тили уларнинг маъориф тизимидаги асосий тил ва асосий муомала воситаси ҳисобланади. Хитойдаги кам сонли миллатлар таҳсил оладиган мактаблар, бошланғич мактабларда юқори синфлардан бошлаб хитой тили дарслари бошланади. Баъзи жойларда эса ўрта мактабдан бошлаб хитой тилида дарс соатларини олиб бориш имконияти ҳам бор. Институт профессорлари ва мутахассислардан ташқари кўпчилик хитой тилида дарс берадиган ўқитувчи–устозлар хитой кам сонли миллатларига таълим беришни 2 турга бўлишади: миллат тилини ўргатиш асосий, хитой тилини ўргатиш ёрдамчи бўлган икки тиллик таълим ва хитой тилини ўргатиш асосий, миллат тилини ўргатиш ёрдамчи бўлган икки тиллик таълим. Чет элликлар хитой тилини ўрганиши кўпинча

шахсий фаолият ҳисобланади. Яъни чет эллик учун хитой тилини ўрганиш бир миллат ёки халқнинг талаби эмас.

2. Таълим бериш маданиятининг турли хиллиги. Кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш бир мамлакат ичида ундан бошқа миллатларга хитой тилини сингдиришдир. Ёки давлат ичидаги муомала тилини тарғиб қилиш демакдир. Гарчи турли миллатлар маданияти орасидаги фарқ ўрганиш жараёнида таъсир кўрсатсада, лекин бир давлат, бир жамият, бир хил ҳаёт тарси ва миллатлар орасидаги алоқа бундай маданий фарқни камайтиради. Аммо чет элликларга хитой тилини ўргатиш бир чет тилини ўргатишдир. Талабалар турли мамлакатлардан келган бўлади, хитой тилини ўрганиш жараёнида кўпинча маданият турли хиллиги туфайли баъзи муаммолар келиб чиқади, тушуниш ва ифода этишда қийинчиликларга олиб келади. Шунинг учун чет элликларга хитой тилини ўргатишда хитой маданиятини ўргатиш муҳим бир қисмни ташкил этади.

Тил маданиятнинг асоси, турли миллатларнинг маданий ўзига хослиги миллат қалбини, дунё қараши, ижтимоий одатлари, ҳаёт тарси кабиларнинг ҳаммаси қайсидир тилда ўз аксини топади. Миллат тилини ўрганишнинг асоси ўша миллат маданиятини ўрганиш демакдир, тил ўрганиш учун маданиятни ҳам ўрганиш керак, бу инкор этиб бўлмайдиган ҳолат. Чет элликларга хитой тилини ўргатишда хитой маданиятини ўргатиш таълим беришнинг мазмунини ташкил этади, асосий бир нуқтаси ҳисобланади.

Хитой кам сонли миллатлари ҳақида гап кетганда уларнинг шароити бир хил эмас, ҳар бир кам сонли миллат ўзининг шаклланган жараёнида хан миллатининг маданиятини чуқур сингдириб олган, шунингдек, ўз маданияти таркибида ҳам кўпгина жиҳатлари хан миллати маданияти билан уйғун. Хан миллати маданияти шаклланиш жараёнида ҳам кўпгина кам сонли миллатлар маданиятлари таъсир кўрсатган. Умумий қилиб хитой миллатлари маданияти ва тарихи дейилади. Янги хитойда Гонгчанг партиясининг ҳокимлиги остида бир жамият, умумий ижтимоий ҳаёт

хитойдаги турли миллатларнинг дунё карашини, ҳаёти, фикрлашини жихатларини ривожлантирди, бу катта миллатлар маданияти орасидаги фарқни кичрайтирди. Кам сонли миллатлар ва Хан миллати ҳаёт тарсини умумийлаштирилди. Хан миллатининг ҳаётининг одатларига миллат қалби, ҳаттоки тили ҳам таниш бўла бошлади, шунинг учун хитой тилини ўрганишда ҳеч қандай маданий фарқлар таъсир кўрсатмай қолди. Албатта, Хан миллатининг маданий одатлари ва кам сонли миллатларнинг маданий одатлари орасида баъзи фарқлар сақланиб қолган бўлиши мумкин, талаба Хан миллати маданиятини тўлиқ ўзлаштириб олмаслиги мумкин, лекин чет эллик хитой тилини ўрганувчидан кўра анча яхшироқ билади, хитой тилини ўрганиш жараёни ҳам бирмунча осон кечади. Бу ҳам бугунги кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатишдаги хан миллати маданиятини ўргатиш унчалик муҳим иш эмаслигини, таълим бериш мазмунининг алоҳида бир таркибий қисмини эгалламаслигини кўрсатади.

3. Таълим тизимидаги ҳар хиллик. Чет элликларга хитой тилини ўргатишда асосий эътибор тил ўрганаётган шахс ўз она тилисини мукамал ўзлаштирилганлигига қаратилади. Одатда хитой тилини ўргатиш мутахассислиги ва қисқа муддат ичида хитой тилини ўргатиш каби 2 шаклга бўлинади. Лекин кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш – бу тугал тизим. Турли қатламларга бўлинади, унда асосий эътибор тил ўрганаётган шахс бошланғич ва ўрта таълимни олган бўлишига қаратилади, бир вақтнинг ўзида талабаларга, ёшларга, кадрларга ҳам хитой тилини ўргатилади. Бундан ташқари кам сонли миллатларнинг алоҳида ва аралаш истиқомат қиладиган раёнларида қишлоқ ва шаҳарларнинг турли жойларида турли миллатларга хитой тилини ўргатиш шакли ҳам бутунлай бир – биридан фарқ қилади. Хитой кам сонли миллатларининг районлари бошланғич ва ўрта мактабда хитой тилини ўргатишнинг қуйдаги шакллари мавжуд:

1) **Жанубий шакл:** Сичжоу, Юннан, Гуйчжоу, Гансу каби провинцияларнинг бошланғич ва ўрта мактабларида, одатда бошланғич

мактабда миллат тили ўргатилади, бир вақтнинг ўзида 2-3 – синфлардан бошлаб хитой тилини ўргатиш бошланади, ўрта мактабга келгач барча дарслар хитой тилида ўқитила бошланади.

2) **Пекин шакли:** Шинжян, Ички монголия, Чинхай, шунингдек, Янбяан каби миллий автоном округларда провинцияларда бошланғич ва ўрта мактаб бутунлай миллий тилида олиб борилади, бошланғич мактабнинг 3 – синфидан бошлаб хитой тилини ўргатиш бошланади. Юқори синфни битиргунча хитой тилида гаплаша олиш талаб қилинади.

3) **Тибет шакли:** Тибет бошланғич ва ўрта мактабининг хитой тили ўргатиши 2 турга бўлинади, бири ички ҳудудларда Тибет гуруҳи, ўқувчилар ички шаҳарларга бориб ўқишади, дарслар барчаси хитой тилида ўтилади; иккинчиси тибетда бошланғич ва ўрта мактабларда хитой тилини ўқитиш пекин услубида олиб борилади. Институтларда хитой тилини ўргатиш мутахассислиги ва хитой тили асослари каби 2 турга бўлинади, асосийси таржима қила олиш, хитой тилидан дарс бера олиш ва мутахассислик тилида ишлай олиш, юқори синфни битиргач хитой тилидан дарс ола олишда қийналадиган ўқувчиларга махсус гуруҳ ташкил қилинади. Бундан ташқари кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш кадрлар тайёрлайдиган ва турли юқори даражадаги хитой тили мутахассислиги гуруҳларига бўлинади.

4. **Таълим бериш шакли ва усулининг хилма-хиллиги.** Чет элликларга хитой тилини ўргатиш ўз она тилисини кучли ва мукаммал бўлган кишига нисбатан олиб борилади, ўрганиш мақсади аниқ, шунинг учун таълим бериш мазмунининг режалаштирилиши, усулининг танланишида унинг талаби ва ўзига хослигига асосланилади, иккинчи тилнинг ўқитиш меъёрларини ҳурмат қилиш талаб қилинади. Кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш эса бошланғич ва ўрта мактаб ўқувчисига нисбатан олиб борилади, ўқувчи хитой тилини ўрганиш билан бир вақтда ўз она тилисини ҳам ўрганиши керак. Шунинг учун икки тиллик таълим дейилади. Унда ҳам ўз тилининг ўқитиш меъёраи, ҳам иккинчи

тилнинг ўқитиш меъёрлари ҳурмат қилиниши керак. Тил ўрганадиган шахс бола бўлгани сабабли таълим тизими болаларга мўлжалланган бўлиши ва ўзига хослигига эга бўлиши, шунга мос равишда таълим берилиши ва услуби бўлиҳси лозим.

Кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатишнинг энг қуйи босқичи – бошланғич мактаб, болаларга биринчи тилдан таълим бериш меъёрларига эътибор берган ҳолда ўқитиш керак, амалиётдан келиб чиқиб, расмлар ёрдамида, телавизор каби воситалар орқали ва ўқитувчининг услубидан фойдаланиб таълим берилади. Ўқувчи ўқитувчининг талаффузи ёрдамида унга эргашиб ўқишни ўрганади, ўзи билмаган ҳолда тилини ўрганиб боради. Ўқитиш дастури ҳаётга асосланган, мусиқалаштирилган, муҳит билан уйғунлаштирилган бўлиши керак. Таълим бериш мазмуни муомала муносабатига асосланиб, ҳам ўқитиб, ҳам тилдан фойдаланиб борилиши лозим, тизимга бутунлай берилиб кетиш керак эмас.

Иккинчи босқич ўқувчига эргашиш давом этиб хитой тилини ўргатиш болалардан кўра каттароқ гуруҳга мослаштирилган бўлади. Хитой тилини биладиган ўқитувчи ва тил ўрганувчи тизимга киришни бошлайди. Ўқувчи ёшига ва қобилиятига кўра икки тилда дарс тушунтирилади. Иккинчи тил ўқитиш йўлга қўйилади. Аралаш миллатлар яшайдиган ҳудудларда хитой тилини ўргатиш муҳити яхшироқ бошланғич мактабларда иккинчи тилда дарс берилиши мумкин.

Институт ва ёшларга хитой тилини ўргатишда кам сонли миллат ўқув юртлари бошланғич ва ўрта мактабда олинган билим асосида фаолият олиб боришади, уларга юқори даража ёки мутахассислик сизфатида тил ўргатилади. Таълим бериш тизими ҳам мактабдагидан фарқ қилади. Одатда бундай дарс бериш китобдан ўтилади, айниқса ўқиш ва ёзиш қобилияти ривожлантирилади, юқорироқ босқичларда хитой тилида гапириш ва тушунишга ўргатилади, талабага тугал муомала қила олиш кўникмаси сингдириб борилади.

5. Таълимда қиёсий метод асосида тилни ўқитиш. Талабанинг она тилиси билан ўрганилаётган тил қиёсланади. Шунинг асосида дарслик танланади. Унга мувофиқ дарслар режаси ва ўқитиш услуби танлаб олинади. Талабанинг она тилиси ва хитой тили орасидаги муносабат, ўзига хосликлар кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш ва чет элликларга хитой тилини ўргатиш услубларида фарқли ва умумий ўхшаш жиҳатлари асосан эътиборга олинади. Хитойнинг кам сонли миллатлари тиллари кўпчилиги хитой – Тибет тиллар ва олтой тиллар оилаларига киради, хитой тили билан келиб чиқиши жиҳатидан алоқадор, тилнинг ўзига хосликларида жуда кўп умумийликлар мавжуд; кейинчалик тарихий ривожланиш жараёнида узоқ вақт хитой тилидан фойдаланиш, бир–бири билан мулоқотда бўлиш давомида ўзаро бир – бири билан таъсирда бўлган. Масалан хитой тили ва кам сонли миллатлар тиллари ўртасида бир – биридан сўз кириб келиш ҳоллари учрайди, жанубий ҳудудда истиқомат қилувчи кам сонли миллатлар тилларига янги кириб келган сўзлар ва китобий терминларнинг барчаси хитой тилидан кириб келган; Чао ва Баи тилларидаги хитой тилидан кириб келган сўзлар ярмидан кўпини ташкил қилади; монгол, уйғур, ҳарбин тиллари ҳам хитой тилидан кўпгина сўзларни ўзлаштирган. Лексикаси ҳам анча бой; тарихда хитой тили ҳам кам сонли миллатлар тилларидан кўпгина сўзларни ўзлаштирган. Буларнинг ҳаммаси кам сонли миллатларга хитой тилини ўрганишда енгиллик беради. Тилнинг қиёсланиши кам сонли миллатлар хитой тилини ўрганишидаги қийинчиликларни бартараф этади. Масалан уйғур миллати хитой тилини ўрганиш жараёнидаги қийинчиликлар талаффузда оҳанг мавжудлиги, юнму ва шенгмулар кабилар; лексикадаги асосий бирликлар иборалар; грамматикадаги асосий муаммо тўлдирувчи ва баъзи истисно тарзида ясаладиган гаплар ва бундан ташқари иероглифлар. Чет элликлар хитой тилини ўрганувчи шахслар дунёнинг турли мамлакатларидан келган бўлади, уларнинг она тилиси ва хитой тили бир оиладан келиб чиқмаган бўлиши, фарқ катта бўлиши мумкин, хитой

тилини ўрганишдаги муаммолар ҳам кўпроқ бўлади. Бир вақтнинг ўзида уларнинг она тилини ўрганишда аллақачон меъёрий кўникма ва услублари шаклланиб бўлган. Хитой тилини ўрганишга тўғри ва тескари таъсири бўлади.

3 боб бўйича хулоса

Юқорида кўриб чиқилган манбалар Хитойда ҳам тилнинг ижтимоий ходиса сифатида мураккаб жараёнларда тараққий этиб келганлигини кўрсатмоқда. Тарихнинг маълум даврларида хитой тилини йўқотиш учун катта курашлар борилганлиги тарихидан яхши маълум.

Ҳозиргача Хитойда ханзулар кам сонли миллатлар ичида сиёсий етакчи миллат сифатида эътироф этилса-да, аммо мамлакатнинг тил ички сиёсатида маълум муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Масалан, ҳозирда ХХРда ханзулардан ташқари 55 миллат яшайди⁶³. Улар ичида Уйғур, Манчжур, Тибет, Мўғул, Хуйзу, Гуанси–Чжун каби миллатлар ўз давлатчилиқ тарихи, ёзувига эга бўлиб, миллий қадриятлари билан тубдан бир биридан фарқ қилади. Бугунга келиб 55 та миллатларнинг айримлари она тилисини йўқотиб бўлди. Масаланинг мазкур жиҳатлари ўзининг субъектив ва объектив томонларига эга. Масалан, ХХРда диний–эътиқод масаласидаги айнанлик, қадриятлардаги яқинлиқ ҳам айрим тилларнинг йўқолишидаги асосий омиллардан ҳисобланади.

Хусусан, ХХРнинг ХХ аср 50 йилларда тил сиёсати масаласида олиб борилган тил ҳаракатларини “олтин давр” сифатида баҳолаш мумкин. Айнан ана шу йилларда кам сонли миллатлар тилини ривожлантириш чора тадбирлари ишлаб чиқилди. Миллий автоном районлар ва ХХРнинг ички провинцияларида кам сонли миллатлар кўп яшайдиган район ва ҳудудларда таълимнинг билингвистик шаклига жиддий аҳамият қаратилди. Мамлакатда билингвистик таълимга амал қилинар экан, унда аҳолининг географик яшаш жой хусусиятлари, яъни кам сонли миллатларнинг жойларда кўп ёки кўп эмаслиги масаласига биринчи навбатда аҳамият

⁶³ 中国国情/ 肖立编著. – 北京: 北京语言文化大学出版社, 2001. 第 28 页.

қаратилди. Ўтган ўн йиллар ичида билим-билим таълимнинг кўплаб шакиллари ишлаб чиқилиб амалга жорий қилинмоқда: – Дарсларни миллий тил ва путунгхуада олиб бориш.

– Дарсларни маҳаллий тил ва путунгхуада олиб бориш.

– Дарсларни маҳаллий тилларда олиб борган ҳолда босқичма-босқич путунгхуага ўтиш ва шу орқали кўзланган мақсадни амалга ошириш.

Миллий автоном районларда мактаб ёшлари учун маҳаллий тилларда ўқув қўлланмаларини яратиш, нашрга тайёрлаш, чоп этиш, жойларда ўқув қўлланмалар сифатини яхшилаш мақсадида маориф вазирлиги томонидан миллий тилларда ўқув қўлланмалар чоп этувчи провинциялараро марказ ташкил этилган.

Икки тиллик ўқитишнинг моҳияти ва мазмунида қуйидаги хусусиятлар эътиборга олинади:

– жой шарт-шароитлари;

– тиллар ва ёзувларнинг ҳар хиллиги масалаларига ҳамият қаратилади.

Бундан ташқари, мамлакатда таълим хусусиятлари билан боғлиқ қуйидаги жиҳатларига ҳам амал қилинади, масалан, Таълимда қиёсий метод асосида тилни ўқитиш; Таълим бериш шакли ва усулининг хилма-хиллиги: **Яъни,**

– Жанубий шакл: Сичжоу, Юннан, Гуйчжоу, Гансу каби провинцияларнинг бошланғич ва ўрта мактабларида, одатда бошланғич мактабда миллат тили ўргатилади, бир вақтнинг ўзида 2-3 – синфлардан бошлаб хитой тилини ўргатиш бошланади, ўрта мактабга келгач барча дарслар хитой тилида ўқитила бошланади.

– Пекин шакли: Шинжян, Ички монғолия, Чинхай, шунингдек, Янбяан каби миллий автоном округларда провинцияларда бошланғич ва ўрта мактаб бутунлай миллий тилида олиб борилади, бошланғич мактабнинг 3 – синфидан бошлаб хитой тилини ўргатиш бошланади. Юқори синфни битиргунча хитой тилида гаплаша олиш талаб қилинади.

– Тибет шакли: Тибет бошланғич ва ўрта мактабининг хитой тили ўргатиши 2 турга бўлинади, бири ички ҳудудларда Тибет гуруҳи,

Ўқувчилар ички шаҳарларга бориб ўқишади, дарслар барчаси хитой тилида ўтилади; иккинчиси тибетда бошланғич ва ўрта мактабларда хитой тилини ўқитиш пекин услубида олиб борилади. Институтларда хитой тилини ўргатиш мутахассислиги ва хитой тили асослари каби 2 турга бўлинади, асосийси таржима қила олиш, хитой тилидан дарс бера олиш ва мутахассислик тилида ишлай олиш, юқори синфни битиргач хитой тилидан дарс ола олишда қийналадиган ўқувчиларга махсус гуруҳ ташкил қилинади. Бундан ташқари кам сонли миллатларга хитой тилини ўргатиш кадрлар тайёрлайдиган ва турли юқори даражадаги хитой тили мутахассислиги гуруҳларини тайёрлаш масаласига ҳам биринчи аҳамиятли эътибор қаратиладиган экан.

Хулоса

Хитойда ўрта асрларда ягона мезонларга асосланган умумдавлат оғзаки тили йўқ эди.

Сун ва Юань сулолалари даврида мамлакат шимолида Байхуа адабий тили вужудга келди. Хусусан, XIV-XVI аср ёзувчилари ўз асарларини байхуада ярата бошлашди.

Шимолий хитойда эса унинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишига кўра шевалараро мулоқот воситалари XIII асрдаёқ мавжуд бўлган. Байхуадан ташқари шимолий хитой шеваларига асосланган мулоқотнинг оғзаки тили мавжуд бўлиб, бу ҳозирда ХХРда расмий амал қилинаётган путунгхуа эди. Путунгхуанинг ижтимоий аҳамияти манчжурлар томонидан Хитойнинг забт этганидан кейин янада ўсди. Бунда пойтахт шеваси гуанхуа (путунгхуанинг дастлабки номланиши) деб номланди.

XIX аср охиридаги ислохотлар даврида Европа давлатларида бўлгани каби Хитойда ҳам миллий тилни шакллантириш намуналари кўп эди. Ислохотчилар “гуанхуа”ни миллий тил сифатида эълон қилиб, уни мамлакат бўйлаб тарқатиш таклифи билан чиқдилар. 1907 йилда Хитой маориф вазирлиги “гуанхуа”ни ўрта мактабларга киритиш лойиҳасини қабул қилди. Лойиҳанинг муҳокама жараёнида кенгаш аъзоси бўлган Цзян ян бу тилни “гуанхуа” эмас “гуоюй” деб номлашни таклиф қилди. 1919 йил “4 май ҳаракати”даги либерал демократларнинг асосий талабларидан бири ҳам мамлакатда миллий тилни қуришдан иборат эди.

30-40 йилларда миллий тил муаммосини ҳал этиш ҳаракатлари амалда қайта жонланди. Хитойнинг тил ислоҳотлари билан боғлиқ бу давр ҳаракатлари ўзидан олдин ўтган ислоҳотлардан тубдан фарқ қилар эди. Асосан бу давр тил ислоҳотчилари хитой тилида оғзаки нутқнинг акси сифатида қараб келинган ёзма адабий тилни яратиш эди. Ғоявий томондан бунга “омма тили” назариясини асос қилиб олган эди. “Омма тили” учун содда ёзув талаб этилган, мақсад эса унинг ёрдамида саводсизликни қисқа муддатда бартараф этиб халқ ичига маданиятни олиб кириш, шу тариқа маърифатга йўл очиш мақсадга эришишнинг энг оқилона йўли сифатида қаралди.

1949 йил ХХР ташкил топиши муносабати билан миллий тил ҳақидаги баҳс мунозаралар ўзини янги босқичига қадам қўйди. 1955 йилдаги ёзув ислоҳоти бўйича умумхитой конференциясида 国语 “гуо юй” (“давлат тили”) номи 普通话 “путунгхуа” (“содда, умумтушунарли тил”)га расман ўзгартирилди.

Путунгхуани расмий тил сифатида умумдавлат миқёсида тарқалиши 1955-1956 йиллардан бошланди. ХХР ҳукуматининг миллий тил соҳасидаги стратегияси Чжоу Энлай томонидан 1958 йил 10 январда тилшунос ва маориф арбоблари йиғилишида баён қилинди. У путунгхуани “Хитой – келажакдаги умумий тили” деб номлади.

1982 йил 4 декабрда қабул қилинган ХХР конституциясининг 19-моддасида ХХР ҳукумати путунгхуани “бутун мамлакат бўйлаб оммалаштирилиши ва унинг амалда жорий қилинишини” қўллаб қувватланиши расман қайд этилди. Хитойда путунгхуани оммалаштириш, уни мамлакатни ҳар бир ҳудудига ёйишда Оммавий Ахборот Воситаларини (ОАВ) ўрни катта. Ҳозирги кунга келиб бу воситалар янада такомиллашди. Ҳозирги пайтда путунгхуада замонавий кинофильмлар яратилмоқда. Лекин шу билан бирга путунгхуани мамлакатда кенг ёйиш амалиётида айрим тўсиқ ва муаммоларга ҳам дуч келинмоқда.

1. Путунгхуани мамлакатнинг барча ҳудудларида ёйиш масаласи. Назаримизда тарихий омиллар—талаффуздаги фарқлар ва тилни ривожлантиришда йўл қўйилаётган айрим камчиликларнинг мавжудлиги билан таснифланади. Бунинг билан боғлиқ ҳал этилиши керак бўлган масаланинг қуйдаги жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим кўринади:

а) Хитойда путунгхуани ёйишда шева ҳудудларида тил билан боғлиқ хусусиятларни инобатга олинмаётганлиги;

б) Марказий ҳукумат томонидан жойларда Путунгхуани кенг ёйиш жараёнида кам сонли миллатлар тилини ривожлантиришнинг эътибордан четда қолаётганлиги;

в) Мамлакатда путунгхуани расмий давлат тили даражасига кўтариш, ушбу босқичда, тилини унификациялаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиш, шу тариқа тарихан кўп шевали ва кўп миллатли давлат бўлиб қолаётган муаммоларни ечимини топиш кўзда тутилади.

Т. Акимов ва Ж.Ёқубов томонидан келтирилган манбаларда ”Хитой тилида 400дан ортиқ бўғин мавжуд” каби фиркларга қўшилган ҳолда, ҳозирда путунгхуада 400га яқин эмас, аксинча аксарият манбаларда 414 та бўғин мавжудлиги эътироф этилади. Юқоридаги хитой манбаларда асосланиб қайд қиладиган бўлсак, ҳозирги замонавий хитой тилида 414 та бўғин мавжуд.

Қайд этилганидаек, Путунгхуа товуш таркибига кўра фарқланади. Бўғин таркибидаги инициал (шенму) ва финал (юнму) лар маълум бир қоидаларга асосланган ҳолда боғланади. Масалан, путунгхуада Le, ge, de, tuan, luan ёки qing каби бўғинлар мавжуд. Аксинча be, pe, muan, hing, king каби ундош ва унли товушлар уйғунлашган бўғинлар мавжуд эмас. Путунгхуадаги бўғин оҳанглариининг сони 4та. Хитой тилида бўғин оҳанги сўзнинг луғавий маъносини фарқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Путунгхуада 400 га яқин бўғинларнинг ҳар бири ҳам тўртала оҳангда талаффуз қилинавермайди, ҳар бирининг луғавий маъноси ҳам тўртала оҳангда фарқланавермайди. 400 га яқин бўғиндан фақат 174 таси 4 та

оҳангда, 148 таси 3та оҳангда, 57 таси 2та ва 25 тасигина 1 оҳангда талффуз қилинади⁶⁴.

⁶⁴ Қаранг: O'zbek tili va adabiyoti журнали “Фан” нашриёти №4.2008.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- I. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti farmonlari va qarorlari,**
- II. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari**

1. Yuqori malakali xitoyshunos mutaxassislarni tayyorlash maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning 2014-yil 3-sentabrdagi PP-2228-sonli Qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 24-iyuldagi PF-4456-son “Oliy malakali ilmiy va ilmiy-pedagog kadrlar tayyorlash va attestatsiyadan O‘zbekiston tizimini yanada takomillashtirish tog‘risida” gi Farmoni (O‘zbekiston Respublikasi qonun xujjatlari to‘plami, 2012-yil, 30-son, 346-modda).
3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2007-yil 10-sentabrdagi 190-son “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimida magistratura faoliyatini yanada takomillashtirish, uning samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘ risida”gi Qarori (O‘zbekiston Respublikasi qonun xujjatlari to‘plami, 2007- yil, 37-38-son, 384-modda).
4. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirining 2012-yil 29 oktabrdagi 418-son buyrug‘i asosida magistratura to‘g‘risidagi Nizomi.

II. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimovning asarlari

5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон. 1992.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари”.-Т.: Ўзбекистон 1997.
7. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch.-Т.: O‘zbekiston, 2008.

III. Ўзбек тилида

1. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. –Т.: «Шарқ», 2010. - 173 б.
2. Азизов О. Тилшуносликка кириш. –Т.: «Ўқитувчи», 1996.
3. Irisqulov M.T. Tilshunoslikka kirish. –Т.: «Yangi asr avlodi», 2009. – 257 б.
4. Бекмуратов И.Н. Хитойдаги кам сонли миллатлар ва чет элликларга хитой тили ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари//Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари. –Тошкент, 2007й. 5сентябр. –Б. 22-29.
5. Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик асослари. «Иқтисод - молия», 2007. -190 б.
6. Каримов А.А. Ўзбек тилида хитойча сўзларни транскрипция қилиш масаласига доир//Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари. –Тошкент, 2007й. 5сентябр. –Б. 8-11.
7. Махмутходжаев М.Х. “Жунгў” атамаси хусусида //Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари. –Тошкент, 2007й. 5сентябр. –Б. 4-8.
8. Mahmudxo‘jaev M.X. “Zhong ying zhao tong shiliao huibian” Xitoy O‘rta Osiyo mamlakatlarining qadimgi va o‘rta asrlar munosabatlarini o‘rganishda muhim manbadir // Xitoyshunoslikning dolzarb muammolari. –Toshkent, 2004. –Б.15-20.
9. Mustafaeva S. Xitoycha-O‘zbekcha tilshunoslik terminlari izohli lug‘ati. –Т.: «Toshkent davlat sharqshunoslik instituti», 2014. –111б.
10. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослик тарихи. –Т.: «Ўзбекистон», 2002. - 227 б.

11. Омонов Қ. Ш. Ўрганилаётган мамлакат (Туркия)да тил вазияти. –Т.: 2013. –129 б.
12. Осмонов Қ.Ш. Тилшунослик билимлари тарихи. –Т.: «ТошДШИ» , 2013. –100 б.
13. Розиков О. Она тили дидактикаси. –Т.: «Янги аср авлоди», 2005. -386 б.
14. Туратова М.Хитой иероглифларига транскрипция беришнинг анъанавий усуллари //Хитойшуносликнинг долзарб муаммолари. – Тошкент, 2007й. 5сентябр. –Б. 61-69.
15. Ҳакимова О. Мантиқ ва нутқ маданияти (қисқача курс). –Т.: 2002. -79 б.
16. Usmanova Sh, Bekmuredova N, Iskandarova G. Sotsiolingvistika. –Т.: «Universitet», 2014. – 83 б.
17. Shazamanov Sh.I. Bekmuredov I.N. Xitoyda til vaziyati va siyosati (sotsiolingvistik tahlil). –Т.: «Toshkent davlat sharqshunoslik instituti», 2010, –142 б.

IV.Рус тилида

18. Астрахан Е.Б. Диалекты и национальный язык в Китае. –М.: «Наука», 1985 г. –300 с.
19. Брук С.И. Население мира: этнодемографический справочник. –М.: «Наука», 1986 г.
20. Горелов В.И. Лексикология китайского языка. –М.: «Просвещение», 1984. – 215 с.
21. Джураев А. Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. –Т.: «Фан», 1991. – 218с.
22. Коротков Н. Исаенко Б. Советов-Чэнь Учебник китайского языка. –М.: 1951. – 40с.
23. Махмудходжаев М. Х. Национальная политика Гоминьдана в Южном Китае в 1927 – 1937 годы. –М.: «Наука», 1986. –116с.
24. Москалёв А.А. Политика в КНР в национально-языковом вопросе. –М.: «Наука», 1981. – 207с

25. Софронов М.В. Китайский язык и китайское общество. «Наука», –М.: 1979 г. –287 б.
26. Фатеева И.Г., Насырова М.А. Языковая ситуация в Арабских странах (конец XX века) Учебное пособие, -Т.: 2010. -192 с.
27. Ханазаров К.Х. К проблеме философии языка. –Т.: «Ўзбекистон», 2007. – 133 б.
28. Юань Цзяхуа. Диалекты Китайского языка. –М.: 1956 г. –400 б.
29. Яхонтов С.Е. Классификация диалектов Китайского языка, исследование по филологии стран Азии и Африки. –Л.: 1966 г. –450 с.

V.Инглиз тилида

30. Dulay, H.&M.Burt. You can't learn without goofing [A]. In J.Richards (eds.)Error Analys is[C].London: Longman , 1974.
31. Eckman, F. Markedness and the contrastive analys is hypothesis[J].Language Learning27 , 1977

VI.Хитой тилида

32. 语言接触导致汉语方言分化的两种模式.北京大学学报(哲学社会科学版), 2005. 267 页。
33. 陈棋生.从音位观点看无锡话的调类划分, 华东师大学报, 1960. 198 页。
34. 陈祺生.无锡话的连读变调及其在语法上的作用.江苏省语言学会.语言研究集刊(第二辑).南京:江苏教育出版社, 1989. 167 页。
35. 陈祺生.无锡方言概貌.无锡教育学院学报, 1993. 320 页。

36. 陈松岑.绍兴市城区普通话的社会分布及其发展趋势.语文建设, 1990. 144 页。
37. 陈松岑.新加坡华人的语言态度及其对语言能力和语言使用的影响.语言教学与研究, 1999. 234 页。
38. 陈亚川.闽南口音普通话说略.语言教学与研究, 1987. 98 页。
39. 陈亚州.“地方普通话”的性质特征及其他.世界汉语教学, 1991. 214 页。
40. 陈焱,丁信善.方言与标准语接触的互动模式.现代语文, 2007. 177 页。
41. 陈燕.西昌新派方言声母、韵母的特点[J].西昌学院学报(社会科学版) 2008. 233 页。
42. 陈章太.对普通话及其有关问题的思考.语文建设通讯, 2000. 265 页。
43. 陈章太.关于普通话与方言的几个问题.语文研究与应用, 1990. 322 页。
44. 陈章太.略论我国新时期的语言变异.语言教学与研究, 2002. 165 页。
45. 陈章太.语言变异与社会及社会心理.厦门大学学报(哲社版), 1988. 287 页。
46. 陈章太.再论语言生活调查.语言教学与研究, 1999, 211 页。.
47. 陈忠敏.上海市区话语音一百多年来的演变, 吴语和闽语的比较研究.中国东南方言比较, 2004. 156 页。
48. 研究丛书.上海教育出版社, 1995. 233 页。
49. 陈忠敏.重论文白异读和语音层次.语言研究, 2003. 176 页。

50. 崔梅.地方普通话与汉民族文化心理.云南师范大学学报(哲学社会科学版), 1993. 187 页。
51. 崔容.太原方言新派老派的语音差异.山西大学学报(哲学社会科学版), 2000. 276 页。
52. 戴庆厦、罗自群.语言接触研究必须处理好的几个问题.语言研究, 2006. 233 页。
53. 丁崇明.语言变异的部分原因及变异种类.北京师范大学学报(人文社会科学版), 2000. 311 页。
54. 丁崇明.语言变异与规范.北京师范大学学报(人文社会科学版), 2002. 198 页。
55. 丁崇明.语言演变的过程模式.北京师范大学学报(人文社会科学版), 2001. 254 页。
56. 丁迪蒙.吴方言区人士怎样学好普通话.常州工学院学报, 2000. 233 页。
57. 丁声树撰文、李荣制表.汉语音韵讲义.方言, 1981. 147 页。
58. 董福升.普通话与武汉方言接触状况调查.赤峰学院学报(汉文哲学社会科学版), 2008. 211 页。
59. 董洁茹.普通话中介语研究初探.新乡师范高等专科学校学报, 2003. 97 页。

60. 付义荣.南京市语言使用情况调查及其思考.南京航空航天大学学报(社会科学版), 2004. 166 页。
61. 盖兴之.中介语与底层研究的关系.民族语文, 1996. 226 页。
62. 高峰.安塞方言何家沟音系及三代人之间的语音差异.宁夏大学学报(人文社会科学版), 2010. 175 页。
63. 高云峰.150 年来中古咸山摄舒声字在上海话中的语音变迁.语言研究, 1996. 177 页。
64. 郭 骏.方言语音变异特征分析.南京社会科学, 2009.226 页。
65. 郭骏.系统内部调整：方言向普通话靠拢的演变模式——以溧水“街上话”语音变异为例.语言科学, 2009. 177 页。
66. 郭骏.语言态度与方言变异——溧水县城居民语言态度与语言使用情况的简要调查.南京社会科学, 2007. 250 页。
67. 郭龙生.中国现代化进程中的语言生活、语言规划与语言保护.中国人民大学学报, 2008. 300 页。
68. 韩沛玲.山西及其周边方言浊声母清化类型及历史层次.语言科学 2006.250 页。

VII. Davriy nashrlar

64. Huquq va Burch.-T. ;2013.-4 son.
65. Халқ сўзи.-Т.; 2015.-59 сон.
66. Халқ сўзи.-Т.; 2015.-66 сон.
67. Халқ сўзи.-Т.; 2015.-63 сон.

VIII. Internet saytlari

- 68. <http://www.mf.uz>(O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi)
- 69. <http://www.chinaembassy.uz> (XXR ning O‘zbekistondagi elchixonasi)
- 70. <http://www.uza.uz> (O‘zbekiston Milliy axborot agentligi)